

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
и.ф.н.доцент Х.Х.КОМОЛОВ
« ____ » _____ 2014 йил

«Химояга рухсат этаман»
кафедра мудири _____
доцент О.Шерматов
« ____ » _____ 2014 йил

**Фермер хўжалигини бошқариш таълим йўналишининг
битирувчиси**

Ўринов Самид Қахрамонович

У
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: *Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш
ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари.*

БМИ рахбари:

ассистен: А.Эргашев

Маслахатчи :

и.ф.н. доцент О.Махмудов

Бажарувчи:

Ўринов Самид

Андижон - 2014

ЎЗБЕКИСТОН КИШЛОК ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудир
доцент О.Шерматов _____
«_____» _____ 2013 й.

**Фермер хўжалигини бошқариш таълим йўналишининг битирувчиси
Ўринов Самидга битирув малакавий ишини бажариш учун**

ТОПШИРИК

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** институт ректорининг 2013 йил 29 июн № 157- Ст (А) буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** « 04 » июнь 2014 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Избоскан туманидаги “Гулзор пари” фермер хўжалигининг 2011--2013 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 9-10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни рахбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>ассистент А.Эргашев .</i>	<i>15.12.2013й</i>	
1-Боб. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарини махсулот ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш назарий ва услубий асослари.			
<i>1.1 Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш аҳамияти.</i>	<i>ассистент А.Эргашев</i>	<i>12.01.2014й</i>	
<i>1.2 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш услубий асослари.</i>	<i>ассистент А.Эргашев</i>	<i>04.02.2014й</i>	
2-боб: Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалиги фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати .			
<i>2.1 Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ва таснифи.</i>	<i>ассистент А.Эргашев</i>	<i>08.03.2014й</i>	
<i>2.2 Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва тахлили.</i>	<i>ассистент А.Эргашев</i>	<i>07.04.2014й</i>	
<i>2.3 Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг самарали технологиясини қўллаш</i>	<i>ассистент А.Эргашев</i>	<i>04.05.2014й</i>	
3-боб: Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш такомиллаштириш йўллари.			
<i>3.1 Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ер, сув ва бошқа ресурсларидан фойдаланиш такомиллаштириш.</i>	<i>ассистент А.Эргашев</i>	<i>07.05.2014й</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>ассистент А.Эргашев</i>	<i>24.05.2014й</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	<i>ассистент А.Эргашев</i>	<i>02.06.2014й</i>	

Топширик берилган вақти:
БМИ рахбари:
Маслаҳатчи:
Битирувчи:

10 сентябр. 2013 йил.
ассистент А.Эргашев
и.ф.н. доц. О.Махмудов
С.Ўринов

М у н д а р и ж а

<i>№</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
	<i>Кириш</i>	3-7
1-Боб. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарини маҳсулот ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш назарий ва услубий асослари.		
1.1	<i>Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни ахамияти.</i>	8-11
1.2	<i>Иқтисодийтни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни услубий асослари.</i>	12-32
2-Боб: Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалиги фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати .		
2.1	<i>Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ва таснифи.</i>	33-42
2.2	<i>Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни ҳолати ва тахлили.</i>	43-54
2.3	<i>Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг самарали технологиясини қўллаш.</i>	55-64
3-Боб: Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.		
3.1	<i>Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ер, сув ва бошқа ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш.</i>	65-72
	<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	73-75
	<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	76-80

КИРИШ.

Мавзунинг долзарблиги Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу омилларнинг ягона мақсад-юрт тинчлиги ва равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида жамиятимизнинг доимо ҳамжиҳат бўлиб келаётгани ўта мураккаб мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтишда нақадар оғир синовлардан муваффақиятли ўтишга имкон яратди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси йилдан –йилга тобора ортиб бораётгани мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг муҳими, уларнинг негизида фуқароларимизнинг ҳаётий орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзининг яққол ифодасини топганини кўрсатмоқда. Шунингдек инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 2013 йилнинг асосий якунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида энг аввало кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларни атрофлича таҳлил этиб берди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси–14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Ўтган йилда 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилинди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан

бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан мухтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Республикамизда аграр тармоқ корхоналарини, шу жумладан фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар инфратузилмаларни тубдан ислох қилиниши натижасида бугунги кунга келиб кучли, ўрта синфдаги бақувват фермерлар тобора кенгаймоқда.

Бугунги кунги келиб фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш қўлами кенгайиши, фан ютуқлари имкониятларидан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш, маҳсулотларни ички бозорда талабларини бемалол қондириш, экспорт салоҳиятини ошишига ўз хиссасини қўшмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.

Бу аввало мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш,

ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг камровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Амалга оширилган тадбирлар қаторида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат томонидан қабул қилинган дастурларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Аграр тармоқни рақобатбардошлигини ошириш шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда бошқа каби чора-тадбирларни ҳам изчил амалга ошириш белгиланган. Шунинг учун Битирув Малакавий Ишининг мавзусини ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари бўйича танлаб олдим.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Битирув ишининг мақсади Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни назарий ва илмий асосларини ўрганиш бўйича фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифларни беришдан иборат. Шу мақсадда битирув ишини тайёрлаш давомида қуйидаги вазифалар бажарилади:

- қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштиришни зарурлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини назарий асослаш;

- Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини асослаш;

- қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари

бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар тайёрлаш.

БМИнинг амалий аҳамияти. Битирув ишидаги фикр-мулоҳазалардан нафақат Гулзор пари фермер хўжалигида, балки шу ҳудудда жойлашган бошқа хўжаликларда ҳам ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг таркиби. Битирув иши кириш, асосий қисмида 3 та бўлим ҳамда хўжалик фаолиятини таҳлил этган ҳолда хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув иши 80 бетни ташкил қилади. Битирув ишини тайёрлашда 11 та жадвалдан фойдаланилди.

**1-Боб. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида қишлоқ
хўжалик корхоналарини маҳсулот ишлаб чиқариш ресурсларидан
самарали фойдаланиш назарий ва услубий асослари.**

**1.1 Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан
фойдаланишни аҳамияти.**

Мамлакатимиз аграр тармоғида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мулкӣй ва таркибий ислохотлар;
- ердан фойдаланиш борасидаги ислохотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислохотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислохотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислохотлар.

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулкӣй-таркибий ислохотларда биринчи навбатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шакллариға, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишға муҳим эътибор қаратилди. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичлариданоқ зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликлариға айлантириш борасида йирик таркибий ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар натижасида 1999-2007 йилларда истиқболсиз ширкат хўжалиги босқичма-босқич тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжалиги ташкил этилган эди.

Қабул қилинган дастур асосида 2008-2010 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижалариға кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Бу жараёнда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришға имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборға олинди:

- фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда, ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;
- сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш;
- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашув борасидаги молиявий имкониятларини кенгайтириш;
- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида, 2013 йил якунига кўра, республикадаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан 71652 тага ёки 69,4 фоизга камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектаргача кўпайтиришга эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдонини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарга, сабзавотчилик ва полизчиликда 23,5 гектарга, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарга, чорвачиликда 205 гектарга тенг бўлган бўлса, 2013 йилга келиб фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликларга айланди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда Республикада аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва

куруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли 100 фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;
- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади.

Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригация-мелиорация ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Юқорида қайд этилган дастурлардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида шу жумладан фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона тежаб-тергаб фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботда келтирилишича, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 25 252,2 минг гектарни ёки жами ер фондининг 56,86 фоизини ташкил этади. Шундан суғориладиган ерлар 4 312,4 минг гектарга тенгдир.

1.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни услубий асослари.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламдаги иқтисодий ислохотлар кўп укладли иқтисодийни шакиллантиришга йўналтирилган бўлиб, бундай шароитда иқтисодийни замонавий технологик ва инновацион тараққиётсиз асосий ишлаб чиқариш фондларини техник ҳамда технологик жихатдан қуроллантирмасдан, маҳсулот рақобатбардошлигини таъминламасдан амалга ошириб бўлмайди.


Аграр тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш жадал тус олган ва ресурслар чеклаган ҳозирги шароитда иқтисодийни ривожлантириш ишлаб-чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишга боғлиқ бўлиб, бунда ишлаб-чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Замонавий шароитда ишлаб чиқариш корхоналарининг олдида турган муҳим масалалардан бири табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва унинг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришдан иборат. Чунки, ҳозирги иқтисодийни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жихатдан қайта қуроллантириш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Янги асрда ресурсларни тежаш ва самарали фойдаланиш ғояси алоҳида долзарблик касб этади. Ҳозирданоқ иқтисодий нобарқарорликка олиб келувчи қайта тикланмайдиган ресурсларнинг таннарни ошиб, етишмовчиликлар кузатилмоқда.

Модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш алоҳида ўрин тутди ва ишлаб чиқариш ресурслари қуйидагича туркумланади.

Ишлаб чиқариш ресурсларини туркумланиши



Ер умум миллий бойликдир, халқ хаёти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ер қишлоқ хўжалигида энг муҳим ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг тараққиётига ва шу жумладан қишлоқ хўжалик корхонаси иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, қишлоқда кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириши учун зарур ташкилий ҳуқуқий шарт шароитлар яратилди.

Хозирги пайтда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган аграр сиёсатнинг асосий йўналишлари қишлоқда мулкдорлар синфини қарор топтириш, уларнинг мулкый ҳуқуқларини том маънода тиклаш ва ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалик ерларини доимий эгалик қилиш учун берилган ер участкалари қийматини бозор талабларига мос ҳолда ташкил этишдан иборат.

Ўз мулкый ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имкониятларига эга мулкдорни мустақил эгалик қилиш, ерлардан ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш моддий, молиявий ва моддий-техника ресурсларидан тежаб фойдаланиш ва унинг унумдорлигини ошириб бориш ва пировард натижаларидан, ҳамда моддий манфаатдорликни ошириш орқали истиқболли келажак яратишда асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб ҳисобланади.

Шу каби қатор муҳим вазифаларни ҳал этишда мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор фармон қарор ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этимоқда. Булар жумласига 2004 йил 26 августда янги тахрирда қабул қилинган «Фермер хўжаликлари тўғрисидаги», «Ер кодекси» (1998 йил 30 апрел), «Меҳнат кодекси», Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Биржалар ва баржа фаолияти тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруқларини келтириши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосий ва ҳаётий жихатдан муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда етиштирилаётган асосий турдаги маҳсулотларга пахта, ғалла, сабзавот, полиз ва пилла каби маҳсулотлар киради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан маҳнатга лаёқатли аҳолининг 40% дан ортиғи шуғулланади, қишлоқда истиқомат қиладиган аҳолининг сони мамлакат аҳолисининг 60 % ни ташкил этади.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярми бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги мамлакат саноати учун хом-ашё етказиб бериши билан бирга қишлоқ хўжалигининг ўзи саноат маҳсулотларининг яъни тракторларнинг,

автомобиллар, машина-жихозларини ва бошқа шу кабиларнинг йирик истеъмолчисидир.

Аҳолининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига, унинг ривожланиш самарасига бевосита боғлиқдир. Шу боис мустақилликка эришилгандан буён бошқа соҳалар катори ҳалқимизни қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш долзарб масала бўлиб турмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг XII-сессиясида 1998 йил 30-апрелда қабул қилинган “Ер кодекси”, 2004-йил 26-августдаги янги тахрирдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунларида ва ундан кейинги қабул қилинган қонунларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самарали фойдаланишга қонуний асос бўлмоқда.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ хўжаликларининг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллик ўсишини таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, экин майдонларини мақбуллаштириш чора –тадбирлари белгилаб берилган.

Умуман кейинги йилларда Республикамизда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун жуда катта ишлар амалга оширилиб ишлаб чиқариш ресурсларини яъни ер, сув, моддий-молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни қонуний тизими яратилмоқда.

Бу муносабатлар юридик ва жисмоний шахлар ҳам ўзаро келишган ҳолда қонунчилик доирасида бир-бирлари билан шартнома муносабатлари амалга оширадилар.

Бу шартномавий муносабатлар ҳуқуқий муҳитдан тўғри тузилишида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” “Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий

хуқуқий базаси тўғрисидаги қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг ” 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш уларни рўйхатдан ўтказиш бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга” асосан тартибга солинади.

Фермер хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бўладиган иқтисодий алоқаларнинг умумий тартиблари “фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунда ва ушбу муносабатларни Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Намунавий контрактация шартномаси”, “Моддий-техника ресурслари етказиб беришга намунавий шартнома”, “Хизматлар кўрсатишга, ишларни бажаришга намунавий шартнома” каби ҳужжатларида акс эттирилган. Ушбу меъёрий ҳужжатларда ишлаб чиқариш ресурсларининг таъминоти, мазмуни, томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳсулот, ресурс ва хизматларнинг баҳоси, ҳисоб китоб тартиби, хўжаликларнинг жавобгарлиги, низоларни кўриб чиқиш тартиби белгиланади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл — қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими — деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга қўшиласиз”.

Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Ўтган йили 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши” белгиланди.

Хўжаликдаги экин майдонларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида кўчатларни меъёрида ташкил этиш бунда интенсив технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти каттадир. Мутахассисларнинг фикрича, томчилатиб суғоришнинг пахта экиладиган майдонларда қўлланиши орқали сув сарфи 30-40 фоизга, меҳнат сарфи 50-60 фоизга тежаш ва ҳосилдорликни 90-150 фоизга ошириш мумкин.

Истиқболда Республикамиз бўйича 2013-2017 йиллар давомида 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бунинг учун давлат ҳисобидан имтиёзли кредит беришни йўлга қўйиш, тизим жорий

этилган майдонларни 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хомашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

“Биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда” деб таъкидлайди И.Каримов.

Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамасдан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни хомашёга бўлган талабини қондириш учун уларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш мақсадида замонавий мелиорация системаларини жорий қилишга, ишлаб турганларини қайта куриш, сув ва ер ресурсларини ҳамда атроф муҳитини муҳофаза қилишга, шунингдек, хўжалик ҳисоби, коллектив ва ижара пудратини жорий қилиш орқали сув хўжалик ташкилотлари билан сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимиз сув ва ер ресурслари, уларнинг таркиби ва тузилиши, жойлашуви ва шимилиш даражаси, мелиорация даражасининг қишлоқ хўжалигини ривожланишдаги ўрни ва қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсишдаги роли каттадир.

Суғориладиган деҳқончиликнинг гуркираб ривожланиши, аҳоли сонининг ортиб бориши, яроқли сувга бўлган эҳтиёжини оширмоқда, кўшимча сув ресурсларини жалб қилишига бўлган ҳаражатларни кўпайтирмоқда. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароити мазкур ечимларни тез ва ижобий томонга ўтишини талаб этмоқда.

Бизга маълумки мамлакатимиз моддий базасини яратишда сув ресурслари ғоят катта рол ўйнайди. Сув ресурслари табиат ресурслари орасида алоҳида ўрин тутди ва аҳамиятига кўра бекиёсдир. Сув халқ хўжалиги барча тармоқларда ва аҳолининг ҳаёт фаолиятида ишлатилади. Бунда табиий сувлардан фойдаланиш характери ва турлари жуда хилма-хилдир.

Сувнинг территория жиҳатидан тақсимланишидаги тенгсизлик, уни мавсумий тебранишлари туфайли кучайиб бормоқда. Сув баланси ва унинг йил, фасл бўйича тақсимланишига дарёларнинг сув билан таъминланиши характери катта таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда асосий сув манбаи бу тоғлардаги қордир. Бундай ҳолатда асосий сув оқими баҳор фаслига тўғри келади.

Бироқ, ҳозирги шароит саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тараққиётининг юксак суратлар билан ривожланиши, янги ерларни иқтисодий ривожланишига жалб этилиши, ер усти сув захираларидан анча оқилона фойдаланиши ва уларни қайта тақсимлашни талаб қилмоқда.

Сув ресурсларининг халқ хўжалигининг кўп соҳаларида бошқа кўп мақсадлар учун ҳам фойдаланилади. Шунинг учун сув хўжалиги тадбирларини ҳал этишда комплекс ёндашув ҳисобга олинади. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш иқтисодий регион ёки дарё хавзасига қараб чиқилади.

Бунда табиий муҳитнинг таркибий қисми бўлган сув ресурслари моддий ва табиий ресурсларни оқилона ихтисослаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш асосида халқ хўжалик тармоқларини территория жиҳатидан ташкил этишни талаб этади.

Ўзбекистон катта ер сув ресурсларга эга. Улар қишлоқ хўжалигини ривожланишига кенг имкониятлар беради.

Аммо ер сув ресурсларидан фойдаланишни ҳали мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Бунда Ўзбекистон республикасининг 1998 йилда (30.04) қабул қилинган “Ер кодекси”га асосан Ер умум миллий бойликлари, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юретишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

- энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётининг фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;

- ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шакллариининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчилариининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;
- ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш; ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш белгиланган.

Мамлакатимиз иссиқ ва қуруқ кескин ўзгарувчан иқлим билан ажралиб туради. Унинг текислик қисмида ўртача йиллик ёғин миқдори 120-200 мм., тоғли туманларда 100 ммгача. Иссиқлик ва ёруғликнинг сероблиги пахта, каноп, узум, турли хил мевалар, полиз, сабзавот етказишга қулай, қолаверса, бу ердаги тупроқ иқлим шароити йил давомида бир неча марта ҳосил йиғиб териб олиш имконини беради. Умуман, ер, сув ресурслардан фойдаланиш бетартиб ва мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолда кечди.

Тупроқ, сув режимини унинг актив қатламида нам заҳираларини ҳосил қилиш ва уни бутун ўқув даври давомида сақлаб туришга қаратилган мелерация тадбирлари ёрдамидагина тартибга солиб туриш мумкин. Ишлаб чиқариш воситаси бўлган сувнинг қиммати ишлаб чиқариш жараёнидан ажратилса йўқолади.

Суғориш манбаларидан олинган сув ўз хусусиятига эга. Бу сув белгиланган муддатда ва керакли миқдорда муайян участкага юборилиши керак. Бу шартларнинг бажарилмаслиги қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади. Тупроқ намлигининг кам ёки ортиқчалиги экинлар ҳосилдорлиги даражасига салбий таъсир этади. Сув танқислиги ҳамма жойда сезилиб бораётган ҳозирги кунда бундай ҳолларга илм, фан ютуқларига таянмай туриб, комплекс чоралар кўрмай туриб эришиб бўлмаслигини дала меҳнаткашлари ҳам суғориш ва (коллектив зовур) сув билан шуғулланувчи ходимлар ҳам яхши тушуниб олиш керак.

Суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш давлат аҳамиятига молик вазифа ҳисобланади. Шунини таъкидлаш зарурки, ҳоҳ янги

ўзлаштирилган, хох экиндан фойдаланиб келинган ер бўлмасин, уни сақлаш, муҳофаза қилиш ва айти пайтда унумдорлигини ошириб бориш талаб этилади. Ҳозирги кунда алмашлаб экиш жуда қўл келмокда. Бу борада беда ўсимлиги яхши кўрсаткичлар беради.

Бизга маълумки, беда уч йил давомида тупрокда жуда кўп илдиз колдиклари тўплайди. Бундан ташқари, беда тупрокнинг физик хоссаларини сув ўтказувчанлигини, озик режимини ва мелиорация ҳолатини тубдан яхшилади.

Фермер хўжаликларида суғориш сувидан самарали фойдаланиш ижобий аҳамиятига эга бўлиб, уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва самарадорлигини таъминлаш учун зарур омил бўлиб ҳисобланади. Чунки, фермер хўжаликлари ўсимликчилик маҳсулотларини фақат суғориш орқали олишга эришадилар. Шунинг учун ушбу вазифаларни бажаришда фермер хўжаликлари суғориш сувидан самарали фойдаланишга асосий эътибор қаратишлари лозим.

О.Зокиров, А.Пардаевлар фикрига кўра: “мавжуд сув ресурсларидан, айтиқса, суғориш сувидан фойдаланишда сувни унумсиз сарфланишини камайтириш катта аҳамиятга эга” (Зокиров О. А.Пардаев “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Дарслик.Тошкент, 2003 йил. 155-бет).

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарига сувни етказиб бериш, ундан фойдаланишда ернинг мелиоратив ҳолатига ва ирригация тизимига эътибор бериш кераклигини Ў.Умрзақов, А.Тожибоев, Ж.Рашидов, А.А.Тошбоевлар ўз ишларида алоҳида таъкидлашди.

А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниевлар ёзишича: "мавжуд сув ресурслари ҳозир ўсиб бораётган талабни тўлиқ қондира олмайди. Шунинг учун ҳам сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш объектив заруриятдир” (А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев , Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент, 2004 йил. 243-бет).

Бу асосан, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига амалга ошди. Ўзбекистон ер сув фондидан интенсив ва экстенсив фойдаланиш қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга қаратилган эди. 80 йилларга келиб ноқулай вазият вужудга келди. Хосилдор ерлар кўп аммо озиқ-овқат камчил.

Ўзбекистонда сув ресурсларининг миқдор ва сифат танглиги кучайди. Бунинг устига республика дарё ишлаб чиқариш маиший тармоқ оқавалари, зарарли чиқиндилар билан заҳарланган. Ташланмалар билан ифлосланганди ва бу ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ҳолбуки, сув ресурсларнинг тақчиллиги туфайли Ўзбекистонда экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари чекланган. Аҳоли сони кўпаймоқда, республиканинг ҳар бир аҳолиси ҳисобига ер майдони турлиги, маҳсулот чиқишини кўпайтириш ва чорва маҳсулдорлигини ошириш қишлоқ хўжалик таркибини такомиллаштириш, пахта якка ҳукмронлигига барҳам бериш ҳисобига бўлмоқда. Аҳволни яхшилаш учун аллақачон инвестиция сиёсатини кескин ўзгартириш, қишлоқ хўжалигида капитал сувни тежовчи тадбирлар ўтказиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтириш керак.

Сув омборлари ва тўғонларни кўплаб қурилиши, шоли ва бошқа кўп сув талаб қилувчи экинларнинг экилиши, сувнинг тежалишини таъминлайдиган технологиянинг ўзлаштирилмаслиги, сув заҳираларининг янада камайишига олиб келди.

Сувларнинг кимёвий моддалар билан ифлосланиши тоза ичимлик суви муамосини пайдо қилади. Деярли барча дарёларга саноат чиқиндилари бориб тушади. Республика олдида мураккаб муаммо бир томондан сув ресурсларга эҳтиёжнинг тўхтовсиз ўсиши, иккинчи томондан эса сув ресурслари имкониятларининг тез камайиши вужудга келди.

Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида сув билан биргаликда амал қилади. Сув эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосил бўлишида қатнашадиган муқаррар фактордир. Ер оптимал номга эга бўлгандагина унумдор бўлади ва юқори ҳосил олишини таъминлайди.

Ҳосил етиштириш учун қайтмас тарзда сарфланадиган жуда кўп сув керак бўлади. Ўсимлик ўсиш даврида ҳар майдондан минглаб тонна сувни атмосферага чиқаради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда маълум даражада сув ресурслари масалан, кузги буғдой етиштириш учун 600 м³, пахта 3000 м³, шоли етиштириш учун 1350 м³ сув сарфланади.

Маданий ўсимликнинг нормал ривожланиши учун тупроқнинг ўсиш давридаги намлиги 70-75 фоизни ташкил қилиш керак. Бироқ бутун республика бўйича 40-45 фоиз ошмайди, территориянинг катта қисмида эса бу даража анча пастдир. Тупроқ намлигининг кам ёки ортиқчалиги экинлар ҳосилдорлиги даражасига салбий таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан, ўсимликчилик маҳсулотларини етиштиришга жами сарфланадиган сувнинг 85-90 фоизи сарфланиб, унинг катта қисми қайтмас тарзда шимилиши, улардан самарали фойдаланиш лозимлигини О.Зокиров, Ш.Сулаймонов, Э.Қўлдашев, М.Ортиқовлар томонидан маъқулланган.

Юқоридаги олимлар фикрлари асосида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кераклиги асосланди.

Суғориш сувлари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар турлича, техник маъмурий иқтисодий ва ташкилий характерда бўлиш мумкин.

Сувлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминланишида, суғориш тизими фойдали коэффицентини оширишга йўналтирилган гидротехник ишлар киради, яъни каналларда буғланиш туфайли сув йўқотилишини камайтириш, экин майдонларида сувни йўқотишга йўл қўймаслик. Ушбу тадбирлар доимий тарзда ўтказилиб, анъанавий характерга эга бўлишлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади, лекин суғориш тизимининг фойдали коэффиценти ҳозирда юқори эмас, экин майдонлари юзасининг текис эмаслиги ва хаддан ташқари катталиги туфайли технологик тадбирларда экин майдони ерларига берилаётган сувнинг кўп қисми исроф қилинади.

Маъмурий омилига сувларни ишлатиш ва тарқатилишни назорат қилиш киради. Ушбу тадбирларда доимий ва суғориш тизимининг ҳамма даражаларида яъни, Амударёнинг бош сув тарқатилиши тизимидан бошлаб, сувни экин ерларга киритишгача ўтказилади. Сувларни тўғри тарқатиш ва

фойдаланишни назорат қилувчи кўп поғанали назорат ташкилотлари ташкил қилинган. Лекин, сувлардан самарали фойдаланиш даражаси ҳамон паст ва бир кубаметр сувни белгиланган манзилга етказиш эса жуда кам бўлмоқда. Иқтисодий омилга сувдан самарасиз фойдаланишга материал жиҳатдан маъсулият ҳисси ва сувни тежаб тергаб ишлатишга қизиқишлар киради.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича иқтисодий тадбирлар ҳозирда ўтказилаётгани йўқ, лекин, бозор иқтисодиёти шарт-шароитларида улар катта аҳамиятига эга бўлиши тақозо этилади.

Суғориш сувларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий тежамлар тадбирлари йўқлиги сабабли, уни фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаси сифатида тушунилади.

Суғориш тизими технологик функцияси бўйича бошқа қишлоқ хўжалиги материал воситаларига тенглаштирилади, шу вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги корхоналарини сув билан таъминлаш амалга оширилади. Шунинг учун сувдан самарали фойдаланишнинг иқтисодий таянчини топиш қийин.

Суғориш сувларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий таянчини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш талаб қилинади. Лекин, иқтисодий тадбирлар керакли ташкилий базаларсиз амалга оширилмайди.

Ташкилий омилга хўжаликлар ичида сувдан фойдаланишни ташкил қилишни замонавийлаштириш бўйича ишлар киради, улар шундай ўтказилиши керакки, меҳнатни ташкил қилиш суғориш сувларидан самарали фойдаланишга хизмат қилиш керак. Ушбу тадбирлар биринчи галда ўтказилиши, уларни ўтказишга эса кўп ҳам материал ва меҳнат чиқимлари талаб қилинмайди.

Ташкилий ишлар аниқ вазифаларни ўз ичига олади: биринчидан суғориш сувларини етказиб берувчилар билан шартнома муносабатларига курувчи юридик шахс бўлган биринчи ишлаб чиқариш звеносини шакллантириш, иккинчидан, хўжаликлар ичида ердан фойдаланиш шаклини замонавийлаштириш бўйича ишлар яъни улар хўжаликлар ичидаги суғориш тармоғига тўғри келиши, биринчи ишлаб чиқарувчининг нафақат аниқ ер қисми бўлиши, балки сув ҳажмини ўлчашни, сувни етказиш беришни

бошқаришни таъминловчи гидротехник жихозлар, хўжалик ичи суғориш каналлари ҳам бўлиши керак: учинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ер, техника ва сув омиллари бир-бирини тўлдириб, таъминлар экан, бир тарафдан, қишлоқ хўжалиги экинлари юқори ҳосилдорлиги ер ҳосилдорлиги ошишига ёрдам беради, бошқа тарафдан суғориш сувларидан юқори даражада фойдаланишга яъни, сув захираларидан самарали фойдаланишга, учинчи тарафдан, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш билан таъминлаш яъни, техник ва меҳнат захиралари самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Ушбу тадбирлар керакли иқтисодий механизмларни яхши ишлатиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хўжаликлар ичида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш сувдан фойдаланишда бозор муносабатларини қўллаш учун ташкилий базаларни тузиш мақсадида ўтказишни керак. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш асосида сувдан фойдаланганлиги учун тўлов тизимига ўтишга ҳам тўғри келади.

Сувдан фойдаланишда бозор муносабатлари янги кўрсаткичларидан фойдаланиш яъни сув учун тўлов олиб борилмоқда, сув камчилиги шароитларида тўлов услубига ўтиш зарурати бозор талабидир.

Фақат бозор алоқалари сув учун тўлов, ҳаддан ташқари сувдан кўп фойдаланганлиги учун пул жарималари суғориш сувлари самарадорлигини ошириш муаммоларини ечиш мумкин.

Ушбу шароитлардан келиб чиқиб, бозор алоқаларида қўллаш учун база тузиш мақсадида хўжаликлар ичида ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришнинг йўллари таклиф қилинмоқда ва ушбу кўрсаткичлар йўлга қўйилган.

Избоскан, Наманган ва Фарғона вилоятларининг аксарият ҳудудларида экинларни суғоришда фойдаланиладиган сувларнинг сифати яхши, яъни уларнинг таркибида ҳосилдорликка салбий таъсир этувчи турли хилдаги минераллар кам, лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳудудларида фойдаланилаётган сувларнинг таркибида хлор ва бошқа

моддалар кўп. Шунинг учун ҳам уларнинг сифати ниҳоятда ёмон. Бундай ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмига, сифатига салбий таъсир кўрсатади. Келажакда ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувларнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар мажмуасини самарали амалга ошириш орқали зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини, миқдорини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга эришиш мумкин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий ишчи гуруҳлари тузилиб, жойларда томчилатиб суғориш ва эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологиялари жорий этилмоқда.

Дастурда, тежайдиган технологияларни ривожлантириш бўйича 2013-2017 йиллар даврида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими 45,6 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда эса ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши белгиланган.

Сув хўжалиги эксплуатация ва қурилиш ташкилотлари ҳамда сув исътемоличилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг моддий-техника паркларини мустаҳкамлаш бўйича 836 дона мелиоратив техника, машина ва механизмларни харид қилиш орқали мелиоратив тадбирларларни амалга ошириш жадаллашади. Ушбу тадбирларни амалга ошириш натижасида 2013-2017 йилларда 1 млн. 132 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даражада ушлаб турилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига ва барқарорлигини таъминланишига эришилади. Дастур доирасида 2013-йилда 264,0 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ва барқарорлигини таъминланишига эришилди.

Умуман кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига

жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора мустаҳкамланиб боришига мустаҳкам замин яратмоқда.

Қишлоқ хўжалик ерларининг таркиби ва хажмининг ўзгариши мутлоқ кўрсаткичларда, уларнинг ташкилий тузилишининг ўзгариши эса нисбий кўрсаткичларда ифодаланади. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерларининг жами ва уларнинг турлари бўйича ҳисобот йилидаги ҳақиқий майдонлари хажмига солиштириб, фарқи (ошган ёки камайганлиги) аниқланади, натижада ҳулосалар қилинади.

Аввало, жами майдон ўзгаришига сўнгра турлари бўйича ҳар бирининг ўзгаришига алоҳида баҳо берилади (таърифланади), яъни ўзгариш сабаблари кўрсатилади, ўзгаришларни ўзаро бир-бирига боғлаб, умумий ўзгариш ва шу жумладан ҳайдаладиган ерларнинг ўзгаришининг сабаблари кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалик ерлари ташкилий тузилишини таҳлил этиш учун аввало базис ва ҳисобот йиллари учун ҳар бир ер турининг умумий майдонга нисбатан ҳиссасини (салмоғини) фоиз ҳисобида аниқлаб олиш керак. Сўнгра таққослаш усулидан фойдаланиб таҳлил этилади. Ҳисобот йилидаги ҳар бир кўрсаткични салмоғини режадаги ёки ўтган йилдаги салмоғига таққослаб фарқи аниқланади ва ҳулосалар чиқарилади.

Хўжаликда ердан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари базис йилига нисбатан, ёки режа кўрсаткичларига нисбатан ошса, самарадорликнинг ошганлигини билдиради, аксинча бўлса-самарадорликнинг камайганлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларидан бири мисолида унинг омили таҳлилини кўриб чиқамиз, яъни қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулот ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми (ер маҳсулдорлиги) мисолида самарадорлик таҳлилини қуйида келтирамиз.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин.

$$Мер = \frac{ЯМ}{КМ}$$

Бунда, Мер – ер маҳсулдорлиги (1 га кадастр майдон хисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми):

Я М –жами ялпи маҳсулот ҳажми;

К М – кадастр майдон (га хисобига).

Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этишда солиштириш, занжирли алмаштириш усулларида фойданилди.

Самарадорликни таҳлил этишда унинг умумий ўзгариши аниқлаб олинади. Бунинг учун ҳисобот йилидаги ер маҳсулдорлиги кўрсаткичидан базис йилидаги ер маҳсулдорлиги кўрсаткичи чегириб ташланади.

$$\frac{ЯМ_1}{КМ_1} : \frac{ЯМ_0}{КМ_0} = +ЯМ/КМ$$

Бунда $ЯМ_0$, $ЯМ_1$ – мос ҳолда базис ва ҳисобот йилларидаги ялпи маҳсулот ҳажми.

$КМ_0$, $КМ_1$ - мос ҳолда базис ва ҳисобот йилларидаги кадастр майдон (га хисобида).

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, ўзгариш қуйидаги икки омил хисобига пайдо бўлган.

Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини боҳолаш ва таҳлил этиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Кўрсаткичлар тизими ўз навбатида қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1. Умумлаштирувчи кўрсаткичлар;
2. Хусусий кўрсаткичлар;
3. Ёрдамчи кўрсаткичлар.

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар деганда қишлоқ ерлари майдонининг бирлиги хисобига (1 ёки 100 гектар хисобига) етиштирилган маҳсулот

чиқими хажмини ифодаловчи кўрсаткичларни тушунмоқ керак, яъни улар қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

- 1) 1 ёки 100 гектар хисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот хажми;
- 2) 1 ёки 100 гектар хисобига олинган соф маҳсулот хажми;
- 3) 1 ёки 100 гектар хисобига олинган соф даромад хажми;
- 4) 1 ёки 100 гектар хисобига ишлаб чиқарилган озуқа бирлиги чиқим.

Ушбу умумлаштирувчи «Ер маҳсулдорлиги» кўрсаткичлари деб ҳам аталади.

Хусусий кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар хисобланади:

3. Экинлар ҳосилдорлиги;
4. Хар бир майдон тури бўйича 1 га хисобига етиштирилган озуқа миқдори (озуқа бирлиги хисобида);
5. 100 гектар таққослама қишлоқ хўжалик ери майдони хисобига ишлаб чиқарилган чорва маҳсулотлари миқдори (сут, гўшт хажми миқдори).

Ердан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларидан бири бўлиб “Харажатлар қиймати” хисобланади. 1сўмлик ёки 100 сўмлик харажат хисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми билан харажатлар қиймати таърифланади. 1га хисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми ошган сари, ердан фойдаланиш самарадорлиги ошиб боради. Харажатлар қайтими хажмининг ўзгариши икки омил таъсири остида юзага келади:

1. 1га хисобига қилинган харажатлар хажмининг ўзгариши;
2. 1га хисобига олинган ялпи маҳсулот (ЯМ) хажмининг ўзгариши. Омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги 3 та боғланиш кўрсаткичлари аниқлаб олинади:

1. Базис даври учун харажатлар қиймати $XK_0 = ЯМ_0 / ИХ_0$

2. Шартли харажатлар қиймати $XK_{ш} = ЯМ_0 : ИХ_1$

3. Хисоботдаври учун харажатлар қиймати $XK_1 = ЯМ_1 : ИХ_1$

Ушбу кўрсаткичлар аниқлангандан кейин занжирли алмаштириш усули орқали харажатлар қайтимининг умумий ўзгариши ва омилларининг ушбу ўзгаришига таъсири аниқланади ва хулоса ёзилиб, имконият кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, сувга доир муносабатларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни бугланиш, ифлосланиб кетиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сув таъминоти корхоналари билан сув истеъмолчилари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини яхшилашдан иборатдир.

Суғориш магистрал каналлар, сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларидан ички ва умумий тизим режалари асосида амалга оширилди. Икки томонлама ишловчи зах қочириш тармоқларида сувдан фойдаланиш мелиорация қилинган ерлардаги сув режимини тартибга солиш, ички хўжалик ва умумий тизими режалари асосида амалга оширилди.

Бизга маълумки мамлакатимиз моддий базасини яратишда сув ресурслари ғоят катта рол ўйнайди. Сув ресурслари табиат ресурслари орасида алоҳида ўрин тутadi ва аҳамиятига кўра бекиёсдир. Сув халқ хўжалиги барча тармоқларда ва аҳолининг ҳаёт фаолитида ишлатилади. Бунда табиий сувлардан фойдаланиш характери ва турлари жуда ҳилма-хилдир.

Сувнинг территория жиҳатидан тақсимланишидаги тенгсизлик, уни мавсумий тебранишлари туфайли кучайиб бормоқда. Сув баланси ва унинг йил, фасл бўйича тақсимланишига дарёларнинг сув билан таъминланиши характери катга таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда асосий сув манбаи бу тоғлардаги қордир. Бундай ҳолатда асосий сув оқими баҳор фаслига тўғри келади.

Бироқ, ҳозирги шароит саноат ва қишлоқ, хўжалик ишлаб чиқариш тараққиётининг юксак суратлар билан ривожланиши, янги ерларни иқтисодий ривожланишига жалб этилиши ер усти сув запаслардан анча оқилона фойдаланиши ва уларни қайта тақсимлашни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, сувга доир муносабатларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни бугланиш,

ифлосланиб кетиши ва камайиб кетишдан сақлаш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сув таъминоти корхоналари билан сув истеъмолчилари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини яхшилашдан иборатдир.

Мамлакатимиз қурғоқчилик ҳудудида жойлашган бўлиб, ёз ойлари хавоси хаддан ташқари иссиқ бўлади. Тупроқдаги сув номлари парланиб, тупроқ таркибидан чиқиб кетади. Экилган экинлар сувсизликдан куриб, нобуд бўлади. Бу эса суғориб деҳқончилик қилиш усулидан фойдаланишни таказо этади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан икки дарё-Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади.

Бу дарёларнинг йиллик сув ўтказиш қуввати 121690 млн. м³ни ташкил этиб, уларнинг сувларидан Ўзбекистон (63020 млн. м³), Қирғизистон (5140 млн. м³), Тожикистон (13230 млн. м³), Қозоғистон (25010 млн. м³) истеъмол қиладилар. Бу сув заҳиралари қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга (85,6 фоиз) саноат ва майиший хизматларга (14,4 фоиз) фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасида йилига 72,4 км³ сув фойдаланиб, 61 км³ оқава сувлар, 11,3 км³ ер ости сувларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида йиллик об-ҳаво ҳаракатига қараб, сув заҳиралари ҳам ўзгаради. Сув энг кам йиллари сув заҳираси сувга бўлган талабнинг 67 фоизни қоплай олади, холос, натижада қишлоқ хўжалиги экинларнинг сув билан етарли таъминланмаслиги оқибатида ҳосилдорлиги пасаяди, ҳар хил касалликлар билан касалланиши даражаси ортади, маҳсулот сифати ёмонлашади. Келажакда Ўзбекистонда сувга бўлган талаб орта бориб, талабни қондириш муаммолари кўпаяди.

Суғориш магистрал каналлар, сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларидан ички ва умумий тизими режалари асосида амалга оширилади. Икки томонлама ишловчи закон қуриш тармоқларида сувдан фойдаланиш мелеротция қилишдан ерлардаги сув режимини тартибга солиш, ички хўжалик ва умумий тизими режалари асосида амалга оширилади.

Фермерлар сувдан лимит бўйича фойдаланишади. Фойдаланиш тартиби маъмурият, ҳудудий сув тақсимлаш қондасига билан амалга оширилади.

2-БОБ. Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалиги фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати.

2.1. Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ва таснифи.

Мамлакатимиздаги мавжуд корхона ва ташкилотларини ҳамда шу жумладан фермер хўжалигини модернизациялаштириш жараёнида қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий самарадорлиги кўп жихатдан хўжаликнинг маъмурий-худудий жойлашуви, тупроғининг таркиби, сув билан таъминланганлик даражаси ва табиий иқлим шароитларига бевосита боғлиқдир. Шу жихатдан ушбу битирув малакавий иши даврида статистик ва бухгалтерия ҳисоб маълумотларини таҳлил этиш ҳамда кузатишлар натижасида олиб борилган Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигининг бу соҳадаги кўрсаткичларини атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Гулзор пари фермер хўжалиги Андижон вилояти Избоскан тумани Гуркиров массивининг Избоскан қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган. Фермер хўжалиги Избоскан тумандаги Агробанкда ҳисоб рақамини очган бўлиб, банк ҳ/р 20208000101404874001, МФО 00045, солиқ тўловчининг ИИН 205 414144 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Гулзор пари фермер хўжалиги қулай шарт-шароитга эга бўлган, аҳоли пунктига яқин жойлашган, Нишонбой Жўраев СИУсига қарашли Қора қанда оқава сув билан таъминланган, ўртача тупроқ унумдорлигига эга бўлган, текисликда жойлашган ўртача фермер хўжаликлар қаторига киради. Фермер хўжалиги Избоскан туман минерал ўғит таркатиш базасидан 19 километр, туман Дон қабул қилиш маскандан 19 километр, Пахта тозалаш заводидан 19 километр, «Қишлоқ хўжалик кимё» ОАЖдан 19 километр, МТП ОАЖ ташкилотидан 19 километр, Ёнилғи мойлаш материалларини тарқатувчи базадан 20 километр, туман Пилла қабул қилувчи шаҳобчадан 10 километр узоқликда жойлашган, темир йўл станциясидан 19 километр.

«Гулзор пари » фермер хўжалиги туман марказидан 19 километр ва вилоят марказидан 19 километр узоқликда жойлашган.

Хўжаликдан асосий ишлаб чиқариш инфратузилмаларни узоқда жойлашганлиги транспорт харажатларини ва техникаларга техник хизмат кўрсатишни ортиб кетишига олиб келади. Гулзор пари фермер хўжалиги Ғарб томондан Абдукарим Миришкор ва жануб томондан Тентак сой билан, Шимол томонидан Қора дарё билан, Шарқ томонидан Пахтаобод тумани билан чегарадош. Гулзор пари фермер хўжалигига узоқ муддатга фойдаланиш учун берилган ер участкалари сув билан таъминланган; эскиртдан суғориб келинадиган, ўртача маданийлаштирилган, ўртача эрозияга учраган, сизот сувлари 3-4 метр чуқурликда жойлашган, тупроқ банитети 45 баллга тенг бўлган сервитутлари йўқ ерлар таркибидан иборат.

Гулзор пари фермер хўжалиги 2006 йил туман ҳокимлигининг 217-к сонли қарори асосида фермер хўжалиги сифатида ташкил топди. Вилоятимизда ўтказилган фермер хўжаликларини оптималлаштириш жараёнида Гулзор пари фермер хўжалиги ерларига Избоскан туман ҳокимининг 11 январ 2011 йил 546-к сонли қарorigа асосан “Боходир ишончи 49га, Асад Люкс 43га фермер хўжалигини 92 гектар ер участкаси кўшиб берилган. 2011 йил якунига кўра туман ҳокимининг қарorigа асосан Гулзор пари фермер хўжалигининг ер майдони 183,8 гектар этиб белгиланди.

Жумладан 168,1 гектар экин майдони ҳисобланиб, бундан ташқари 1,2 гектари йуллар билан, 5,2 гектар ариқ ва зовурлар билан, 4,1 гектари тутзорлар билан банд бўлган. 2013 йил учун хўжаликни ер майдони 12 та контурдан иборат. Фермер хўжалигига ер участкаси 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун берилди, ушбу ерларни сугоришда фермер хўжалиги сув истеъмолчлари орқали Қора канда сувларидан фойдаланиб экинлар сугорилади.

**Қўрғонтепа туманидаги Одиллик жавохири фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларининг тупрок
бонитет баллари тўғрисидаги маълумот.**

1-жадвал

Т/р	Ер участкалари		Бонитет баллари	Ер майдони	Ўртача бонитет балл	Карталар сони
	Кадастр гуруҳи	синф				
1	1 кадастр Гуруҳи	1-синф	0 дан 10гача			
		2-синф	11 дан 20гача			
2	2 кадастр Гуруҳи	3-синф	21 дан 30гача			
		4-синф	31 дан 40гача			
3	3 кадастр Гуруҳи	5-синф	41 дан 50гача	183,8	50	12
		6-синф	51 дан 60гача			
4	4 кадастр Гуруҳи	7-синф	61дан 70гача			
		8-синф	71 дан 80гача			
5	5 кадастр Гуруҳи	9-синф	81 дан 90гача			
		10-синф	91дан 100гача			

Хўжаликни экин майдонининг ҳажми ва контурлар сони, техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини беради. Хўжаликни ер участкаларини ўртача ҳажми 15,4 гектарни ташкил этди. Ер участкаларини ҳар 50-60 метрда ўқ-ариклар тортилган. Дала узунлиги 300-400 метрни ташкил этади. Ер участкаларни бу жихатлари сугориш карталарига қуйилган талабларга тула жавоб беради.

Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалик ерларида сизот сувлари 3-4 метр чуқурликда жойлашган. Ерлари типик бўз тупроқдан иборат бўлиб, тупроқда 0,8-1.2 фоизгача чиринди ва 0,5 фоизгача азот борлиги билан характерланади. Тупроқдаги чиринди миқдори ўртача, экинлардан юқори ҳосил олиш учун ўғитлардан фойдаланиш зарур. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига соф ҳолида азотли ўғити 160-200 кг/га; фосфорли ўғити 170-190 кг/га; калий ўғитни 70-95 кг/га ва органик ўғит солиш меъёри 15-20 тонна/га ташкил этади.

Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Хўжалик ўз фаолиятини узок ва киска муддатга олган кредит ҳисобига олиб бормоқда. Қиска ва узок муддатли кредитларни йиллик даромад ҳисобига ёпиб келмоқда. Хўжалик ўртача рентабеллик даражасига эга.

Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалиги 2013 йилни 2000000000 сўмлик кредиторлик қарзлар билан якунлади.

2-жадвалда Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини жами экин майдони ва унинг таркиби акс этирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини жами экин майдони 168,1 гектарни ташкил этиб охирги уч йилда ўзгармаган. Шундан пахта майдони 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 9,6 %га кўпайган бўлиб жами ер майдонинг 54,1 % ташкил этган. Ғалла майдонлари эса 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 9,4 % камайган бўлиб жами экин майдонинг 45,9 % ташкил этган.

**Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини
экин майдон ва унинг таркиби**

2-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч бир	йиллар			2013йил 2011 йилга нисбатан.	
			2011	2012	2013	фарқи+,-	салмоғи %
1.	Жами экин майдони	га	168,1	168,1	168,1	-	100,0
	Пахта майдони	га	83,0	85,0	91,0	8,0	109,6
	Салмоғи	%	49,4	50,6	54,1	4,8	109,6
	-ҳосилдорлик	ц/га	22,2	23,8	26,6	4,4	119,8
	-ялпи ҳосил	ц	1842,6	2023,0	2420,6	578,0	131,4
	Бугдой майдони	га	85,1	83,1	77,1	-8,0	90,6
	Салмоғи	%	50,6	49,4	45,9	-4,8	90,6
	-ҳосилдорлик	ц/га	46,0	50,0	53,0	7,0	115,2
	-ялпи ҳосил	ц	3914,6	4155,0	4086,3	171,7	104,4
2.	Ходимлар сони	нафар	67,0	72,0	75,0	8,0	111,9
	-пахтада	нафар	50,0	56,0	60,0	10,0	120,0
	-бугдойда	нафар	17,0	16,0	15,0	-2,0	88,2
3.	Ерни банитет бали	балл	50,0	50,0	50,0	-	100,0

Фермер хўжалигида ғалла хосилдорлиги 2011 йилда 46 центнерга етган, бу кўрсаткич 2013 йилда 53 центнерга тенг бўлган холда 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 15,2 % га ортган. Ғалла хосилдорлиги 7,0 центнерга, пахта хосилдорлиги эса 4,4 центнерга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Фермер хўжалигининг ялпи хосилни кўриб чиқадиган бўлсак, пахтадан охириги 2013 йилда ялпи хосили 31,4 % га, ғалла ялпи хосили эса 4,4 % га ортганлигини кўришимиз мумкин. Юкоридаги натижаларга эришиш учун фермер хўжалигининг меҳнат жамоаси сони уч йил ичида 8 нафарга ортган, фермер хўжалигининг аъзолари 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 20 % га ортганлигини кўришимиш мумкин.

Бугунги кунда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнларида меҳнат ресурсларини ўрни бекиёсдир. Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида 2013 йилда жами меҳнат жамоаси 75 нафарни ташкил этади. Буни биз 3-жадвалда келтирилган Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалиги аъзолари ва уларнинг таркиби келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигини бугунги кунда Мирзаева Ойистахон бошқариб келмоқда. О.Мирзаева 1967 йилда туғилган. 1991 йилда Андижон халқ хўжалиги олийгоҳини тамомлаган. Гулзор пари фермер хўжалигининг аъзолари ишлаб чиқариш буйича иш тажрибалари талаб даражасида, фермер хўжалигида фаолият кўрсатиб келувчи аъзолар ичида аграном, хисобчи, муҳандис, механизатор, токар, тикувчи, ошпаз, курувчи, хайдовчи, пайвандчи, савдогарлар мавжуд. Хўжалик аъзолари ичида 3 таси олий маълумотли, 30 таси маҳсус ўрта ва 42 таси ўрта маълумотга эга. Хўжалик аъзоларини ўртача ёши 34 ёшга тенг.

Бугунги кунда хўжаликнинг 60 нафар аъзолари пахта етиштиришда, қолган 15 нафари эса буғдой етиштиришда фаолият олиб борилмоқда. Бундан ташқари хўжаликда 1 та бошлиқ, 1 та бухгалтер, 1 та иш юритувчи, 1 та тракторчи, ишлаб келмоқда. Пахта-ғалла етиштиришда фаолият кўрсатиб келувчи аъзоларга экин майдони ажратиб берилган ва улар гектарчи кўринишда ишлаб келмоқда.

**Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини аъзолари ва
уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумот. 3- жадвал**

№	Аъзоларининг исми ва шарифи	Туғил ган йили	Маълу Моти	Касби	Иш стаж и	Бошлика алоқаси
1	Мирзаева Оиста	1967	Олий	ф/х бошл	30	Ўзи
2	Мирзаев Исақжон	1967	ўрта	Ишчи	32	т/ўртоғи
3	Мирзаев И	1965	Олий	Инженер	30	Акаси
4	Ўринов Умид	1986	м/ўрта	Коравул	8	Жияни
5	Ўринов Самид	1987	бакалавр	Иш юри- тувчи	3	Жияни
6	Кономов С	1954	м/ўрта	бригадр	32	Маҳ-дош
7	Қазақов Ю	1974	м/ўрта	Сувчи	19	Маҳ-дош
8	Асранов Б	1955	м/ўрта	ҳисобчи	18	Маҳ-дош
9	Шухратов В	1976	м/ўрта	Сувчи	17	Маҳ-дош
10	Шамсиев Д	1977	м/ўрта	Гектарчи	16	Маҳ-дош
11	Тоҳиров З	1972	Ўрта	Гектарчи	21	Маҳ-дош
12	Жўраева О	1972	Ўрта	Гектарчи	21	Маҳ-дош
13	Жўрабоева Ч	1970	Ўрта	Гектарчи	23	Маҳ-дош
14	Хасанова Х	1969	Ўрта	Гектарчи	24	Маҳ-дош
15	Расулова З	1965	Ўрта	Гектарчи	31	Маҳ-дош
16	Ўктамova Б	1974	Ўрта	Гектарчи	19	Маҳ-дош
17	Давранова С	1974	Ўрта	Гектарчи	19	Маҳ-дош
18	Усманова Д	1976	Ўрта	Гектарчи	17	Маҳ-дош
19	Валиева Ш	1970	Ўрта	Гектарчи	23	Маҳ-дош
20	Косимова П	1966	Ўрта	Гектарчи	15	Маҳ-дош
21	Достанова Ҳ	1975	Ўрта	Гектарчи	18	Маҳ-дош
22	Рустамова Л	1975	Ўрта	Гектарчи	18	Маҳ-дош
23	Фозилова Н	1965	Ўрта	Гектарчи	31	Маҳ-дош
24	Шокирова А	1974	Ўрта	Гектарчи	19	Маҳ-дош
25	Хошимова А	1974	Ўрта	Гектарчи	19	Маҳ-дош
26	Исмоилова Р	1976	Ўрта	Гектарчи	17	Маҳ-дош
27	Хайдарова М	1976	Ўрта	Гектарчи	23	Маҳ-дош
28	Каримова Г	1970	Ўрта	Гектарчи	25	Маҳ-дош
29						
	Жами 75 нафар					

Избоскан тумани Гулзор пари фермер хўжалиги Избоскан тумани Нишонбой

Жўравой СИУсига аъзо бўлган. СИУ хўжаликни деҳқончилик ишларини амалга ошириш учун Қора канда оқава сув билан таъминлайди.

Хўжаликда 1 гектар пахта майдони учун 1300 м/куб ва буғдой учун 800 м/куб сув сарфланган.

Избоскан тумани Гулзор пари фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси конунларидан, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, Президент фармонларидан, туман ҳокимини қарор ва фармоишидан, шу билан биргаликда фермер хўжалигини юритиш учун қўлланиладиган меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдаланиб келинмоқда.

Избоскан тумани Гулзор пари фермер хўжалигини тендерда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритиш натижасида ташкил этган.

Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалиги деҳқончиликка, хусусан пахта ва ғалла йўналишига ихтисослашган.

Гулзор пари фермер хўжалиги Избоскан туманида жойлашган хўжаликлар қатори бир хил оби-ҳаво шароитига эга. Хўжаликнинг иқлим шарт-шароити кескин ўзгарувчан бўлиб қиш кунлари совуқ, ёз кунлари иссиқ бўлиши мумкун. Хўжаликда совуқ кунлар ноябр ойини биринчи ўн кунлигида тушса, иссиқ кунлари март ойини иккинчи ўн кунликларда келади. Хўжаликдаги ўртача кунлик ҳарорат 19 градусга ва намлик 22,8 миллиметрга тенг.

Гулзор пари фермер хўжалигининг Низом фонди 305 млн сўмни ташкил қилади. Фермер хўжалиги ўзига қарашли хўжалик иморатлари, ишлаб чиқариш воситалари, экинзорлари, пул маблағлари ва бошқа мулкларини эгаси ҳисобланади. Фермер хўжалигини пул даромади маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш, қимматли қўғозларни сотиш ҳисобига шаклланади.

Олган пул даромаддан ҳаражатларни коплаш, иш ҳақи тўлаш, турли ажратмаларни ажратиш, кредит ва устамаларни тўлаш, янги техника ва технологияларни ҳарид қилишга ишлатади.

Хўжалик ўзини иқтисодий муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 4 сентябр 2003 йилдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштиришнинг жавобгар-

лигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорига мувофиқ олиб бормоқда. Ушбу қарорга мувофиқ хўжалик давлат буюртмаси бўйича пахта, ғалла ва пилла сотиш контрактация шартномасини тузган.

Бундан ташқари Избоскан туманининг МТП ОАЖ ташкилоти билан қишлоқ хўжалик ишларини механизация воситалари билан бажариб бериш; «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ туман шаҳобчаси билан хўжалик экинларини ўғитлашда минерал ўғитларни етказиб бериш; туман нефти базасига қарашли ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатувчи шаҳобча орқали, хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларни етиштиришда бажариладиган механизация ишларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш; хўжалик экинларини хашорат ва зарар кунандалардан ҳимоя қилиш бўйича биолобаратория билан; экинларга сув етказиб бериш бўйича массивдаги СФУ билан шартномалар имзолади.

Гулзор пари фермер хўжалиги танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик субъекдир.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олган ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олган.

Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини моддий техник базаси ўртача таъминотга эга. Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги техникалари ва қишлоқ хўжалиги машиналари билан етарлича таъминланмаган.

**Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини асосий
воситалари.**

5-жадвал

Т/р	Асосий воситалар тури	Мик дори	Маркаси	Сотиб олинган йили	Баланс киймати мин.сўм	Сотиб олиш усули	Ишга ярок лиги
1.	Тракторлар	1	ТТЗ-80	2007 й	24,0	Лизинг	Иш.яр
2	-култиватор	1	КРХ-4	2007й	4.0	Кредит	Иш.яр
3	-сеялкалар	1	Се-5	2010й	3.6	Лизинг	Иш.яр
4	кичик грейдр	1	кароткабаз	2010й	1.2	Уз маб	Иш.яр
5	-мола	1	мола	2008й	1.6	Уз маб	Иш.яр
6	-пуркович	1	ОВХ	2011й	6.0	Уз маб	Иш.яр
7	угитловгич	1	нру	2010й	3.0	Уз маб	Иш.яр
8	барана	1	Бр-3	2010й	3.0	Уз маб	Иш.яр
9	тр.прицеп	2	2ПТС	2010й	14.0	Уз маб	Иш.яр
х	Жами	9	х	х	60.4	х	х

Избоскан тумани Гулзор пари фермер хўжалигида 60.4 млн сўмлик асосий воситаларга эгалик килади. Бир гектар ер майдони ҳисобига 359,0 минг сўмлик асосий воситалар қиймати тўғри келмокда. Тиркалма агрегатларни тортиш хусусиятига эга бўлган транспорт ва шудгорлаш тракторларга эга бўлиши зарур.

Бунинг натижасида хўжалик ўзини асосий воситалар билан таъминлаш даражасини янада яхшилайти, зарурий механизация ишларини ўз вақтида бажариш ҳамда иш ва хизматлар харажати тежаш имконига эга бўлади.

2.2 Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни ҳолати ва таҳлили.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

Қишлоқ хўжалик фермер хўжалигиларининг иқтисодий самарадорлик даражасига бир қанча омиллар таъсир этади. Тармоқнинг фойда суммасини ҳамда рентабеллигини ортишига асосий маҳсулотларнинг ишлаб чиқариб сотиш натижасида эришилган ютуқлар катта таъсир кўрсатмоқда

«Самара»- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида(натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда сферасида эса иқтисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи социал ўсиш бўлиши мумкин.

Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, қандай ресурс (харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс(харажат)лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар(харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Фермер хўжалигининг ривожланиши имкониятлари куп жихатдан унинг иқтисодий самарадорлигига богликдир. Иқтисодий самарадорликка мавжуд

ресурслардан тежаб-тергаб окилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин. Иктисодий самарадорлик мураккаб иктисодий категория бўлиб бир катор натурал ва киймат курсаткичлари билан улчанади.

Натурал курсаткичларга хосилдорлик, ялпи хосил, сарфланган меҳнат миқдори, ер бирлиги ва ходим ҳисобига олинган маҳсулот турларининг миқдори ва шу каби бошқа курсаткичлар киради.

Киймат курсаткичлари жумласига ялпи маҳсулот, баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда каби курсаткичлар ва уларни ер бирлиги ва ходимга тугри келиши киради. Қиймат курсаткичлари ичида рентабеллик даражаси алоҳида урин тутади. У даромадлар билан харажатларни таккослаш йули билан аникланиб, бир сумлик харажат ҳисобига олинган фойдани акс эттиради.

Рентабеллик фойдаланиш ва куллаш жихатидан содда ва қулай иктисодий курсаткич ҳисобланиб, ундан илмий тадқиқотда ва амалиётда кенг қулланилади.

Иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омиллар:

- қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси;
- хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик ва улардан фойда ланиш даражаси;
- меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ҳамда рағбатлантирилиши;
- ишлаб чиқаришнинг интенсивлашганлик даражаси;
- чорва ҳайвонлари, уларнинг маҳсулдорлиги;
- баҳолар, солиқлар, тўловлар даражаси;
- сув ресурслари, улардан фойдаланиш даражаси;
- давлат, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағ ва бошқалар.

Биз ҳам Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан фойдаландик. У самарадорликнинг асосий яқунловчи иқтисодий курсаткич бўлиб ҳисобланади. **6-жадвалда** Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

**Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини эришилган
иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари**

6- жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2011 й	2012й	2013 й	2013йилда 2011йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	168,1	168,1	168,1	100,0
	а) пахта	га	83	85	91	109,6
	б) бугдой	га	85,1	83,1	77,1	90,6
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	190705,3	219757,1	273846,6	143,6
	Шундан иш хаки	м.с	49088,0	54421,5	72174,4	147,0
3	Ходимлар сони	нафар	67	72	75	111,9
4	Ялпи маҳсулот	м.с	246827,3	283727,2	356777,7	144,5
5	Фойда	м.с	56122,1	63970,1	82931,1	147,8
7	1 га ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	1468,3	1687,8	2122,4	144,5
	б) фойда	м.с	333,9	380,5	493,3	147,8
8	1 ходим ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	3684,0	3940,7	4757,0	129,1
	б) иш хаки	м.с	732,7	755,9	962,3	131,3
9	Рентабеллик	%	29,4	29,1	30,3	0,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда фермер хўжалигининг экин майдони ўзгармаган, ишлаб чиқариш харажатлари эса 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 43,6 фоизга ортган. Хўжаликнинг ялпи маҳсулот қиймати 356777,7минг сўмга ёки 144,5 фоизга, фойдаси 82931,1 минг сўмга ёки 147,8 фоизга кўпайганлигини харажатлар эса 273846,6 минг сўмга ёки 143,6 фоизга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Бир гектар экин майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 144,5 фоизга ва фойда 147,8 фоизга ошган. Бир ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 129,1 фоизга ҳамда иш ҳақи 131,3фоизга кўтарилган.

Рентабеллик даражаси шу даврда 29,4 фоиздан 30,3 фоизга яъни +2,0 даражага кўпайган. Бунга бевосита даромадни харажатга нисбатан ортиб

кетганлиги ижобий таъсир этди. Эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражада анча пастдир. Оптимал рентабеллик пахта ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 45-50 фоизни ташкил этади.

Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

7-жадвалда Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилган.

7-жадвал

Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

№	Курсаткичлар	улчов бирли ги	2011	2012	2013	2013 йил да 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	83	85	91	109,6
2	Хосилдорлик	ц/га	22,2	23,8	26,6	119,8
3	Ялпи хосил	ц	1842,6	2023,0	2420,6	131,4
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	104364,9	122027,4	170107,7	163,0
	Шундан иш хаки	м.с	30265,8	34777,8	50181,8	165,8
5	Ходимлар сони	нафар	50	56	60	120,0
6	Ялпи махсулот	м.с	122123,8	142087,4	203255,4	166,4
7	Фойда	м.с	17759,0	20060,1	33147,7	186,7
8	Фермер даромад	м.с	48024,8	54837,9	83329,5	173,5
9	1ц пахтани таннархи	сум	56640	60320	70275	124,1
10	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	66278	70236	83969	126,7
11	1 га хисобига:					
	а) ялпи махсулот	м.с	1471,4	1671,6	2233,6	151,8
	б) фойда	м.с	214,0	236,0	364,3	170,2
12	1 ходим хисобига:					
	а) ялпи махсулот	м.с	2442,5	2537,3	3387,6	138,7
	б) иш хаки	м.с	605,3	621,0	836,4	138,2
13	Рентабеллик	%	17,0	16,4	19,5	+2,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида охирги уч йил мобайнида пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,2 центнердан 26,6 центнерга кўпайган. Ҳосилдорликни сезиларли даражада кўпаймаганлигига баҳорда об-хавони паст келиши ҳамда бирданига ғўза гуллаган вақтида об-хавони ортиқча даражада исиб кетиши, ғўзага турли хашоратларни тушуши ва кассаллиги салбий таъсир этди. Шунга мос ҳолда пахтачиликда сарфланган харажатлар охирги уч йил мобайнида 63,0 фоизга, ялпи маҳсулот ҳажми 66,4 фоизга ва фойда олиш 86,7 фоизга кўпайган

Пахтачиликда бир ходим ҳисобига иш ҳақи миқдори 605,3 минг сўм дан 836,4 минг сўмгача кўпайган. Бу кўрсаткич охирги уч йил мобайнида пахтачиликдаги ҳар бир ходим ҳисобига тўланган иш ҳақини 38,2 фоизга ортганлигини кўрсатади. 1 центнер пахта таннари охирги уч йил мобайнида 24,1 фоизга, 1 центнер пахтанинг сотиш баҳоси эса 26,7 фоизга ортган. Бу ҳолатни талаб даражасидан пастлиги албатта бутун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд маҳсулот баҳолари ўртасидаги номутаносиблик асосида юз берган.

Натижада фермер хўжалиги пахтачилигида охирги уч йил мобайнида ишлаб чиқариш харажатларини ўсиш даражаси ялпи маҳсулотни ўсиш даражасидан паст бўлган. Натижада фермер хўжалиги пахтачилигида ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш даражаси 63,0 фоизни ташкил этгани ҳолда ялпи маҳсулотни ўсиш даражаси 66,4 фоизни ташкил этмоқда. Юқорида келтирилган пахтачиликдаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили асосида фермер хўжалиги пахтачилигида иқтисодий самандорликнинг якуний кўрсаткичи бўлган рентабеллик охирги уч йил мобайнида 17,0 фоиздан 19,5 фоизгача кўпайган.

Лекин рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан пастдир, уни камида 30-35 фоизга кўтариш керак. Акс ҳолда хўжалик пахта етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжалиги ўзи етиштирган пахта хом ашёсини сотишдан олган фойдаси ҳисобидан ўз ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ижтимоий ва маданий иншоотларни барпо этиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш фондларини амалдаги меъёрларга мос ҳолда шакллантира олиши лозим. Демак, фермер хўжалигини фойдаси уни барқарор ривожланиши учун зарур бўлган учта асосий фондларни тўла шакллантиришга етиши керак. Шундагина хўжалик пахтачиликни жадал ривожлантириш асосида уни иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига етказиши мумкин.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат ресурс ларидан фойдаланилади.

Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча ҳаражатларининг пулдаги ифодаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларини ўзида акс эттиради.

Маълумки, пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликларида моддий ҳаражатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскиришига амортизация ажратмалари ва бошқа ҳаражатлар сарфланади. Пахтачиликдаги ишлаб чиқариш ҳаражатларининг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган.

Пахтачиликда иқтисодий самардорликни таъминланиши энг аввало пахта етиштириш учун сарфланадиган ҳаражатларни ўз ўрнида ва самарали сарфланиши билан бевосита боғлиқдир. Бу масалага хурматли Президентимиз узининг «Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози, уни Ўзбекистон шароитида

бартараф этиш йуллари ва чоралир» асарида батафсил тухталиб, махсулот ишлаб чикариш сохаларида сарфланаётган харажатларни камида 20 фоизга камайтириш вазифасини куйдилар. Биз ҳам урганилаётган масала долзарблигидан келиб чикиб, Гулзор пари фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатларини охириги уч йил мобайнидаги иқтисодий кўрсаткичларини тахлил қилдик.

8-жадвалда Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби бўйича тақсимланишини кўриб чиқамиз.

**Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида пахта
етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби**

8-жадвал

№	Харажатлар тури	2011		2012		2013	
		М/сўм	%	М/сўм	%	М/сўм	%
1	Моддий харажатлар	59905,4	57,4	70165,7	57,5	99172,8	58,3
	а) уруғлик	5322,6	5,1	7077,6	5,8	10036,4	5,9
	б) угитлар	24630,1	23,6	28188,3	23,1	41676,4	24,5
	в) Ё.М.М	18994,4	18,2	19890,5	16,3	29938,9	17,6
	г) иш ва хизматлар	4279,0	4,1	5857,3	4,8	8165,2	4,8
	д) бошка моддий харажатлар	6679,4	6,4	9152,1	7,5	9355,9	5,5
2	Мехнат хаки харажат	30265,8	29	34777,8	28,5	50181,8	29,5
3	Ижтимоий ажратма	8557,9	8,2	10616,4	8,7	11737,4	6,9
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	3235,3	3,1	3782,8	3,1	6123,9	3,6
5	Бошка харажатлар	2400,4	2,3	2684,6	2,2	2891,8	1,7
	жами	104364,9	100	122027,4	100	170107,7	100

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда 2013 йилда 2011 йилга нисбатан ишлаб чиқариш харажатлари камайган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Сабаби харажатлар таркибига пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам киради. Улар жумласига уруғлик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва иш хизматлар киради.

Маълумки пахтачиликда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминланиши, уларни қўллашда аниқ асосланган меъёрларга амалга қилишга боғлиқ.

9-жадвалда Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида давлатга сотилган жами пахта хом ашёсини саноат навлари бўйича тақсимланиши кўрсатилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигини биринчи навининг биринчи синфга сотган пахта хом ашёсининг салмоғи 95,8 фоиздан 96 фоизга яъни 100,2 фоизга кўпайган. Бу фермер хўжалигини даромадларини ортишига олиб келади.

2011-2013 йилларда Андижон вилоятининг барча ҳудудлари сингари пахта теримини камида 70% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Теримни отряд усулида олиб бориш ташкил қилинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2013 йилда 96 % қисми ёки 2323,8 ц пахта 1-навга, қолган 4 % қисми ёки 96,8 ц 2-навга топширилган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган.

Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида пахтани Султон навини экиб келинган.

Экинлар ҳосилдорлигини оширишга минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак. Юкоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Гулзор пари фермер хўжалигида пахта етиштиришни 15-20% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юкорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тузиш зарур.

Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигини

сотилган жами пахтасини навлар буйича таксимланиши.

9-жадвал

Саноат нави	Синф лари	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		центнер,	%	центнер,	%	центнер,	%
1	1	1765,2	95,8	1731,7	85,6	2323,8	96
	2						
	3						
	Жами	1765,2	95,8	1731,7	85,6	2323,8	96
2	1	77,4	4,2	240,7	11,9	96,8	4
	2						
	3						
	Жами	77,4	4,2	240,7	11,9	96,8	4
3	1			50,6	2,5		
	2						
	3						
4	1						
	2						
	Жами						
5	1						
	2						
	Жами						
	Хаммаси	1842,6	100	2023	100	2420,6	100

Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йўлларида бири меҳнат унумдорлигини оширишдир. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига 1 ц маҳсулот етиштиришга тўғри келган сарфи; 1 гектар ерга сарфланган меҳнат; ўртача 1 ишловчи ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот ва ялпи фойда ҳамда бир бирлик меҳнат сарфи ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот, олинган соф фойда кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар фермер хўжалигида меҳнатнинг самарадорлигини кўрсатади.

Ўз-ўзидан маълумки, пахта етиштириш харажатларини камайтириш иқтисодий самарадорликни ошишини таъминлайди.

10-жадвалда Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида бугдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

10- жадвал

**Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида бугдой ишлаб
чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги**

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2011	2012	2013	2013 йил да 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	85,1	83,1	77,1	90,6
2	Хосилдорлик	ц/га	46	50	53	115,2
3	Ялпи хосил	ц	3914,6	4155,0	4086,3	104,4
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	86340,4	97729,8	103738,9	120,2
	Шундан иш хаки	м.с	18822,2	19643,7	21992,6	116,8
5	Ходимлар сони	нафар	17	16	15	88,2
6	Ялпи маҳсулот	м.с	124703,5	141639,8	153522,3	123,1
7	Фойда	м.с	38363,1	43910,0	49783,4	129,8
8	1ц бугдойни таннар	сум	22056	23521	25387	115,1
9	1ц бугдойни сотиш бахоси	сум	31856	34089	37570	117,9
10	1 га ҳисобига:					
11	а) ялпи маҳсулот	м.с	1465,4	1704,5	1991,2	135,9
	б) фермер даромади	м.с	672,0	764,8	930,9	138,5
	1 ходим ҳисобига:					
12	а) ялпи маҳсулот	м.с	7335,5	8852,5	10234,8	139,5
	б) иш хаки	м.с	1107,2	1227,7	1466,2	132,4
13	Рентабеллик	%	44,4	44,9	48,0	+3,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг экин майдони 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 9,4 фоизга пасайган. Охирги уч йил мобайнида буғдой ҳосилдорлиги гектарига 46 центнердан 53 центнергача кўпайган. Шунга мос ҳолда буғдой етиштиришда ялпи маҳсулот ҳажми охирги уч йил мобайнида 123,1 фоизга ва фойда 129,8 фоизга ортган. Буғдой етиштиришда бир ходим ҳисобига иш ҳақи миқдори 1107,2 минг сўмдан 1466,2 минг сўмгача кўпайган, бу кўрсаткич охирги уч йил мобайнида буғдой етиштиришдаги ҳар бир ходим ҳисобига тўланган иш ҳақини 132,4 фоизга кўпайганлигини кўрсатади. 1 центнер буғдой таннархи охирги уч йил мобайнида 115,1 фоизга, 1 центнер буғдойнинг сотиш баҳоси эса 117,9 фоизга ортган. Натижада фермер хўжалиги буғдой етиштиришда охирги уч йил мобайнида ишлаб чиқариш харажатларини ўсиш даражаси ялпи маҳсулотни ўсиш даражасидан паст юкори бўлган. Натижада фермер хўжалиги буғдой етиштиришда ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш даражаси 120,2 фоизни ташкил этгани ҳолда ялпи маҳсулотни ўсиш даражаси 123,1 фоизни ташкил этмоқда.

Юқорида келтирилган буғдой етиштиришдаги иқтисодий кўрсаткичлар тахлили асосида фермер хўжалиги буғдой етиштиришда иқтисодий самадорликнинг якуний кўрсаткичи бўлган рентабеллик охирги уч йил мобайнида 44,4 фоиздан 48,0 фоизгача ёки 3,6 даражага кўпайган.

11-жадвалда Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг харажатлари ва уларнинг таркиби акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжаликда моддий харажатлар 2013 йилда жами харажатларни 66,2 фоизини ташкил этмоқда. Охирги 3 йилда буғдой ишлаб чиқариш харажатлари бир неча фоизга ортганлигини кўриб чиқишимиз мумкин. Буғдой етиштириш учун сарфланган харажатлар ичида ўғит харажати, иш ва хизматлар харажати иш ҳақи юкори салмокка эга бўлмоқда. Бу салбий ҳолат ҳисобланади. Сабаби ишлаб чиқариш харажатлар ичида буғдой ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи ўзгарувчан харажатлар мужассамланган. Улар жумласига уруғлик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва иш ва хизматлар киради.

**Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида бугдой
етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби**

11-жадвал

№	Харажатлар тури	2011 й		2012 й		2013 й	
		М.с	%	М.с	%	М.с	%
1.	Моддий харажатлар	56207,6	65,1	64306,2	65,8	68675,2	66,2
	-уруглик	10015,5	11,6	11727,6	12,0	13174,8	12,7
	-ўғит	15368,6	17,8	17005,0	17,4	18673,0	18,0
	-ёкилги мойлаш материаллари	10188,2	11,8	11923,0	12,2	12033,7	11,6
	-иш ва хизматлар	16059,3	18,6	17982,3	18,4	18776,7	18,1
	-бошка мод хараж	4576,0	5,3	5668,3	5,8	6016,9	5,8
2.	Иш хаки	18822,2	21,8	19643,7	20,1	21992,6	21,2
3.	Ижтимоий суғурта ажратмалари	4576,0	5,3	4886,5	5,0	5394,4	5,2
4	Асосий воситаларни амортизация	3367,3	3,9	4104,6	4,2	3734,6	3,6
5.	Бошка харажатлар	3367,3	3,9	4788,8	4,9	3942,1	3,8
	Жами харажатлар:	86340,4	100,0	97729,8	100,0	103738,9	100,0

Ишлаб чиқариш харажатларини охириги уч йил ичида ортиб боришига асосий сабабларидан бири хом-ашё материалларнинг харид баҳоларини, меҳнатга тўланадиган ҳақларни йилдан йилга ортиб бориши ҳамда бугдой экин майдонининг кўпайиб боришга сабаб бўлади.

2.3 Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида пахта етиштириш агротехнологияси.

Маҳсулот етиштиришда қўлланиладиган агротехнологик тадбирлар, тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда мавжуд пахта экин майдонлари учта минтақага бўлинади. Мана шу минтақаларнинг хусусиятларини назарда тутган ҳолда чигит экишгача бўлган технологик тадбирлар ва экилгандан кейинги бажариладиган ишлар ўртасида бирмунча тафовутлар мавжуд. Бу тадбирлар ҳар беш йилда бир марта тегишли вазирлик томонидан чиқариладиган. Асосий қишлоқ хўжалик экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталарда тўлиқ баён қилинган бўлади.

Одатда пахта етиштириш учун агрономик жиҳатдан хўжалик учун йил бўйи бажариладиган турли дала ишларининг тахминий календар режасини тузиб чиқиш керак бўлади. Календар режани тузиб чиқишда айтиб ўтилган учала минтақанинг чигит эккунга қадар амалга оширадиган технологик тадбирларининг бир биридан фарқ қилиши ҳисобга олинади.

Шунинг учун учала минтақанинг бир-биридан фарқини қуйидагича тушунтириб берамиз.

Биринчи минтақага пахта етиштириладиган тоғолди ҳудудлари киради. Даланинг нишаблиги кўзга яққол ташланиб туради. Сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқ, ери шўрланмаган, ёғин миқдори экилган чигитни тўлиқ ундириб олиш учун етарли ҳисобланади.

Иккинчи минтақа пахта етиштириладиган текислик-адирликлардан иборат бўлиб, ернинг нишаблик даражаси биринчи минтақаникига нисбатан камроқ. Тупроғи бўз тупроқ типига киради, шўрланмаган, сизот суви чуқур жойлашган. Экилган чигитни тўлиқ ундириб олиш учун ёғин суви кифоя қилмайди. Шунинг учун қиш ва кўкламда яхоб суви берилади.

Учинчи минтақадаги пахта етиштирадиган ҳудудлар текислик-даштликлардан иборат. Ернинг нишаблиги иккинчи минтақаникига нисбатан анча кам. Сизот сувлари яқин бўлиб, айрим жойларда ер шўрланган. Сизот сувлари юза

жойлашгани учун захини қочириш мақсадида зовур ва коллекторлар қазилган бўлиб, вақт-вақти билан тозаланиб чуқурлаштириб турилади. Тупроғи асосан ўтлоқ ва ўтлоқи-ботқоқ типга киради. Шўр ерлар ювиб турилади. Шўрланмаган ерларга ҳам баъзан яхоб суви берилиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган учала минтақа ҳар бир туманда ёки хўжаликда ҳам бўлиши мумкин. Технологик календар режани тузишда мана шуни ҳам ҳисобга олиш керак. Баъзан ҳатто битта фермер ерининг бир қисми иккинчи минтақага ва бир қисми учинчи минтақага қарашли бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир минтақа учун алоҳида технологик календар режа тузилиши лозим.

Гулзор пари фермер хўжалиги экин майдонлари асосан учинчи минтақага мансуб бўлиб, фермер хўжалиги пахта ва бугдой етиштиришга ихтисослашган. Хўжаликда пахта етиштириш агро технологияларини ўрганишда биз аввало қуйидаги назарий маълумотлар асос қилиб олдик. Ғўза индивидуал ривожланиш процессида чигитни экишдан то вегетация даври охиригача бешта асосий фазани ўтайди.

1. Униб чиқиш, яъни уруғпалланинг кўкариб чиқиш фазаси.
2. Чинбарг чиқариш фазаси.
3. Шоналаш, яъни ҳосил шохлар пайдо қилиш фазаси.
4. Гуллаш фазаси.
5. Пишиш, яъни кўсакларнинг очилиши фазаси.

Ғўзада нормал шароитда ривожланиш фазалари ўрта ҳисобда экишдан то ниҳолларнинг униб чиққунига қадар тупроқда нам етарли ва қулай температурада 5-7 кун, ноқулай шароитда эса 10-15 кун ва ундан ҳам кўпроқ, ниҳолларнинг кўкариб чиқишидан то дастлабки чинбарг чиқаргунга қадар 8-12 кун, биринчи чинбарг чиқаргандан то шоналай бошлагунга қадар 25-30 кун, шоналай бошлагандан то гуллай бошлагунгача 25-30 кун ва ниҳоят гуллай бошлагандан то ҳосил етилишга қадар 50-60 кун вақт ўтади.

Мамлакатимизда экиладиган ўртача толали ғўза навларида чигитни экишдан то ҳосили пиша бошлагунга қадар тахминан 120-150 куник вегетация даври кузатилади. Фермер хўжалигида 2013 йилда ғўзанинг Султон нави экилган бўлиб, мазкур навнинг биологик хусусиятларини, фермер хўжалиги

экин майдонларини ўзига хос бўлган хусусиятларини тўла ҳисобга олган ҳолда чигит экиш ишлари 18-20 апрел кунлари амалга оширилди. Фермер хўжалиги пахта экадиган экин майдонларининг тупроқ таркиби бўз тупроқли енгил бўлганлиги учун чигит 4-5 см чуқурликда ва қатор орасининг кенглиги 90 см ли қилиб 90x10см схемада экилди. Хўжаликда 2013 йилда асосан туксиз чигит экилган бўлиб, экиш нормаси гектарига ўртача 60 килограмми ташкил этди. Экиш даврида экиш билан бирга ўғит бериш ишларига алоҳида эътибор қаратилди, чунки бу тадбир ғўзанинг нормал униб чиқиши, ривожланиши ва охир оқибатда ҳосилдорлигига ижобий таъсир этишини фермер хўжалиги раҳбари яхши тушунади. Гулзор пари фермер хўжалиги раҳбари бу соҳадаги тажрибаси катта эканлиги фермер хўжалигида чигит экиш ишларини илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришни янада енгиллаштирди. Чигитни эрта, тўлиқ ва қийғос ундириб олиш агротехник тадбирлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалигини иш юритувчиси олий маълумотга эга бўлган Мирзаева Оиста опа бошчилигидаги фермер хўжалиги аъзолари томонидан чигит экилгандан кейин унинг тупроқдаги ҳолатини ва ниш уришини муттасил кузатиб борилди. Фермер хўжалигининг тупроғи таркибида чиринди микдорининг камлиги қатқалоқ пайдо бўлиши жуда хавфини оширишини ҳисобга олиб қатқалокка қарши кураш ишлари 1 марта 6 гектарлик картада амалга оширилди. Куннинг тез исиб кетиши натижасида фермер хўжалиги пахта майдонларида чигит суви беришга тугри келди. Бу тадбирни амалга оширишда сув сарфи гектарига ўртача 600-700 м³ ни ташкил этди.

Ќўзанинг жадал ривожланишини ва мўл ҳосил тўплашни таъминловчи воситалардан бири ниҳолларни яғаналашдир Ќўза ниҳолларини яғаналашни ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан бошлаб 1 та 2 та чин барг пайдо бўлишгача тугаллаш лозим бўлади. Агар яғаналаш кечиктирилса ғўзанинг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таалуқли барча кўрсаткичлар пасайиб кетади, чунки яғаналаш чўзилиб кетса ғўза ниҳоллари ўзлари билан биргаликда озуқа моддаларини кўпроқ микдорда олиб кетади.

Яганалаш ва букетларни ростлашни иложи борица эрта, яъни дастлабки уругпалла барги чиқариши билан ўтказилиши жуда муҳимдир, чунки чигит экилгандан кейин ҳар уяда 7-8 тупдан кўчат бўлади, булар ёшлигидаёқ юлиб ташланмаса, бир-бирини жуда сиқиб кўяди, илдизлари бир-бири билан чалкашиб кетади ва яганалашда юлиб ташланадиган ниҳолнинг илдизи уяда қолдириладиган ўсимлик илдизига зарар етказади. Натижада илдизи шикастланган ниҳоллар нимжон бўлиб қолади. Бундан ташқари яганалаш қанчалик кечиктириб ўтказилса, тупроқдан озиқ моддалар шунчалик кўп йўқотилади ва тупроқ нами камайиб кетади. ЎзПИТИ маълумотларига қараганда, яганалаш ўз муддатида ўтказилган тақдирда ҳам юлиб ташланган ортиқча ниҳоллар билан гектарига 6-10 кг азот ва 1-2 кг фосфор чиқиб кетади (шунча озиқ майсаларни яганалашга қадар ўсиши учун сарфланади). Яганалашда энг яхши ривожланган, соғлом ўсимлик қолдирилади. Буни яхши тушунган фермер хўжалиги аъзолари яганалашни ўз вақтида ўтказдилар ва бу жараёнда кўшимча ишчи кучлари жалб этилди.

Яганалаш ишлари тугалланиб ғўза қатор ораларига ишлов бериш ишлари амалга ошириб борилди, бунда албатта қатор оралари 60 см қилиб экилганлигини ҳисобга олиб культиватор иш органлари камида 40-45 см кенгликдаги жойни қамраб олишига эришилди. Бундан ташқари ёш ғўза қатор ораларини ишлаш вақтида культиватор иш органлари майсаларни тупроқ билан кўмиб, уларни шикастлаб кўчат сонини камайтириб юбормаслиги учун ғўзалар ёппасига шонага кирган даврга қадар (бўйи 20-25 см бўлгунча) культиваторга сферик дисклар тақилди. Ёш ғўзалар суғорилгандан кейин 3-4 кунда, у ўсиб қаторларни соялаган даврда эса 6-8 кунда ер культивацияга етилади. Ғўза қатор оралари культивация қилингандан сўнг қаторларда ўсиб чиққан бегона ўтлар илдизи билан қўлда юлиб олиниши таъминланди. Культивация ҳар галги суғоришдан сўнг пешма-пеш ўтказилди ва 5 августда охириги култивация амалга оширилди. Назарияда тупроқ шароитларига кўра, ғўза гуллагунга қадар суғорилмайдиган ёки бир марта, кўпинча экин қатор оралари 2 марта, кўклам серёгин келган йилларда, шунингдек, ўт босган майдонларда 3 мартагача культивация қилишга йўл

кўйилади. Сув ғўзага шунинг учун ҳам керакки, у биринчи навбатда ўсимлик таркибидаги турли хил бирикмаларни эритади ва уларни ҳаракатчан ҳолатга келтиради, бусиз ўсимликнинг ҳаёт фаолияти тўхтайдди. Сув туфайли ўсимлик хужайраларида моддалар алмашинув процесси боради ва бу процесс натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар ўсимлик органининг бир тўқимасидан иккинчи тўқимасига томон силжийди.

Шунингдек, сув ғўза учун органик моддалар ҳосил қилиш ва унинг турли хил органларини тузиш учун зарурдир. Органик моддалар ўсимлик қуруқ массасининг 90- 95% ини ташкил қилиб, у сув ва атмосферадаги карбонат ангидрид иштирокида қуёш энергиясидан фойдаланиш туфайли вужудга келади. Бунда барглarning карбонат ангидриди ўзлаштириш қобилияти ўсимлик хужайраларининг сув билан қанчалик таъминланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўсимлик тупроқдан ўзлаштирган сувни узлуксиз равишда сарфлаб туради. Ғўзада сарфланадиган сув ўсимликда ўсиш ва қуруқ моддалар тўплаш динамикасига боғлиқ ҳолда кечади. Бунда умумий фойдаланиладиган сувнинг атиги 1-2% органик моддалар ҳосил қилиш ва турли органларнинг тузилиши учун сарфланади. Сувнинг қолган қисми (98-99%) ўсимлик барглари орқали буғланиб кетади (транспирация).

Транспирация процесси учун зарур бўладиган сув миқдори грамм билан ифодаланиб, у ўсув даври давомида бир грамм қуруқ модда ҳосил қилиш учун сарфланади. Бу миқдор сув транспирация коэффиценти деб аталади. Транспирация коэффиценти экинлар турига қараб ҳар хил миқдорда бўлади. У ўсимликнинг биологик хусусиятларига, ёшига, ўсиш жойи ва шароитига боғлиқдир. Масалан, пичанга ўстирилган беда 1 г қуруқ модда ҳосил қилиши учун 600-1100 г гача, ғўза 400- 800 г гача, маккажўхори ва оқжўхори 250-450 г, тарик 120-360 г сув сарфлайди.

Бу маълумотлардан ғўза транспирация процесси учун анчагина сув сарфлаши кўриниб турибди. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш керакки, сувни тежаб-тергаб сарфлаб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришиш дозим. Гуллашга қадар ҳар бир ғўза тупи 8-10 тагача ҳосил шох

чиқаради. Келгусида биринчи теримда олинадиган ҳосилнинг асосий қисми мана шу шохларда шаклланади. Ана шу даврда суғоришни шундай ташкил этиш керакки, бунда ғўза ҳаддан ташқари тез ўсиб говлаб кетмаслиги ва ўз вақтида гуллаши, кейинчалик тупларнинг пастки ярусидagi барча тугунча ҳамда кўсаклари тўла сакланиши таъминланиши зарур.

Бу ғўзанинг суғориш режимини тўғри ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилаш имконини берадиган бошқа тадбир-чораларни амалга оширишни тақозо қилади.

Ќўза қатор ораларида ўтказиладиган культивациялар суғориш сонига боғлиқ бўлиб, одатда 2-3 марта ўтказилади. Агарда ғўза 3 марта суғорилса 2 марта, яъни биринчи ва иккинчи сувдан кейин, 5-6 марта суғорилганда кўпинча 3, баъзан 4 марта культивация қилинади. Борди-ю, ғўза мавсумда 8-9 марта суғорилса ҳам культивация сони деярли ўзгармайди. Илғорлар тажрибаси ва илмий текшириш ташкилотларининг кузатишлари, ўсув даврида ғўза қатор ораларини 4-5 марта, лекин тупроғи кеч қизийдиган оғир тупроқ ерларда, ўт босган, шунингдек, ғўзаси ўсишдан орқада қолган ерлардагина мустасно тарикасида 6-7, ҳатто 8 мартагача культивация қилиш мумкин эканлигидан далолат беради.

Чигит тор қаторлаб (60 см) ёки кенг қаторлаб (90 см) экилишидан қатъий назар ўсув даврида ишлов бериш сони ўртасида деярли фарқ йўқ. Юқоридагилардан келиб чикиб фермер хўжалиги пахтачилигида гуза 2013 йилда 5 марта сугорилди ва 4 марта қатор ораларига ишлов берилди. Маълумотларга кўра ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича етиштирилаётган пахтанинг ярми минерал ўғитлар ҳисобига олинмокда. Ўғитларнинг самарадорлигини ошириш учун агротехникавий тадбирларга тўлиқ амал қилиниши керак. Республикамиз бўйича 1 кг азот ҳисобига ўртача 10-15 кг пахта етиштирилмокда. Одатда ғўзанинг ўғитлаш нормаси бир қанча факторларга боғлиқ, булар орасида тупроқ типи ва унинг қай даражада маданийлашганлиги, қўлланиладиган агротехника даражаси, иқлим шароит

ва бошқалар энг муҳимлари ҳисобланади. Ўғитлаш нормасини белгилашда тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Ѓўзани ўғитлаш нормаси олинадиган ҳосилга қараб ҳам белгиланади. Масалан, 1 т пахта етиштириш учун 30-80 кг азот, 10-20 кг фосфор ва 40-70 кг калий сарф бўлади.

Ерга солинган ўғитларнинг ҳаммасини ўсимликлар ўзлаштира оладими, деган савол тугилади. Текширишлар шуни кўрсатдики, ўсимликлар ерга солинган азотнинг одатда 50% ини, ғўзалар юқори агротехника асосида парвариш қилинганда эса 70% ини ўзлаштира олар экан. Қолган азотнинг бир қисми нитрат ҳолида ер бетига кўтарилиб ҳавога чиқиб кетса, бир қисми тупроқнинг пастки қатламига ювилиб тушади ёки оқава сув билан пайкалдан чиқиб кетади. Шундай қилиб келгуси йили ундан келадиган фойда жуда кам бўлади.

фосфорли ўғитларни ўсимликлар биринчи йили 15- 20% ини, кейинги йили эса атиги 12-14% ини ўзлаштиради, холос.

Маълумки, Ўрта Осиё тупроғи калийга анча бой ҳисобланади, шунга кўра гектаридан 25 ц дан ортиқ ҳосил етиштириладиган майдонларгагина калий солиш тавсия этилади. Кейинги йилларда ўтказилган тажрибалар ғўзадан юқори ҳосил етиштириш учун азотга нисбатан калийни ярим нормада солиш яхши самара беришини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ғўзани вегетация даврида ўғитлашда қуйидаги назарий маълумотлар асосида ишни ташкил этиш яхши самара беради деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон ўғит ва агротупроқшунослик институти маълумотига қараганда, ғўза ривожланиш фазаларига қараб ердан азот ва фосфор моддасини қуйидаги миқдорда олади:

- чигит униб чиққандан шоналагунча азот 7%, фосфор 5%;
- шоналашдан гуллагунча азот 46%, фосфор 35%;
- гуллашдан пиша бошлагунча азот 44%, фосфор 50%;
- пиша бошлашидан пишиш даврининг охиригача азот 3%, фосфор 10%.

Шоналаш ва гуллаш фазасида тупроқда азотнинг керагидан ортиқча бўлиши ўсимликнинг ғовлаб кетишига, ҳосилининг камайишига ва кеч

етилишига олиб келади. Аксинча, бу даврда азотнинг камчил бўлиши эса, ўсимликнинг заиф ўсиб, ҳосил шохлари кам бўлишига, бинобарин, кўсакларнинг камайишига ва майда бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Ѓўза ҳаётида калийнинг роли ҳам жуда катта, у ўсимликнинг репродуктив (ѓўзанинг гуллаш, кўсаклаш, чигит етилиш) фазага ўтишига ёрдам беради. Бундан ташқари, калий моддаси етарли бўлганда ўсимликнинг ўзида сув сақлаб туриш қобилияти яхшиланади, демак, бундай ўсимликларда бугланиш жараёни камаяди.

Ѓўзанинг ўсиш ва ривожланишига баъзи бир бошқа элементларнинг ҳам таъсир этиши аниқланган. Масалан, баъзи бирикма ҳолдаги кальций (CaSO_4 , CaHPO_4) Ѓўза нллизининг ўсишини ва янгилари пайдо бўлишини жадаллаштиради.

Ѓўзанинг ривожланишига микроэлементлар катта таъсир кўрсатади. Масалан, Ѓўза гулининг уруғланиш органларида кўплаб тўпланадиган бор элементи чангчининг ўсиш кучини оширади.

Агар тупроқда фосфор моддаси етишмаса, ўсимлик паст бўйли бўлиб ўсади, барглари майдалашади, баъзан бу барглarda қизғиш томирлар пайдо бўлади. Калий етишмаганда Ѓўза баргида қўнғир доғлар пайдо бўлади, шундан кейин бу барг шапалоқлари ҳимарилиб, аста-секин қурийди ва тушиб кетади. Баъзан баргнинг яшил қисми билан оқиш қисми навбатма-навбат жойлашиб, барг чипор тусга киради. Агар ўсимликка темир моддаси етишмаса, у хлороз касаллигига чалинади, натижада Ѓўза барги оқиш-сарик ва ҳатто оқ тусга киради. Тупроқда марганец етишмаганда ҳам худди шундай ҳодиса содир бўлади.

Эскидан деҳқончилик қилиб келинаётган ерларда тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳисобига гектаридан 15 ц ҳосил олиш мумкин. Айтайлик, гектаридан 35 ц дан ҳосил олиш режалаштирилган, шунча ҳосил олиш учун, яъни гектаридан 20 ц қўшимча ҳосил олиш учун қанчадан азот ва фосфор бериш керак? Юкорида айтилганидек, 1 т пахта етиштириш учун 50 кг азот, 17 кг фосфор зарур, буни 2 т (20 ц) га кўпайтириб, ўғитнинг фойдаланиш коэффициентига (азотники 0,5, фосфорпики 0,17) бўлинса,

етиштириладиган ҳосил учун талаб қилинадиган ўғит миқдори келиб чиқади. Шунинг ҳам айтиш керакки, фосфор ўғитини олдинги йилдагисидан тахминан 25% и фойдаланилган деб, буни чегириб ташлаш лозим.

Фермер хўжалигида 2013 йилда ғўзани ўғитлаш ишлари юқорида келтирилган меъёрлардан келиб чиқиб амалга оширилди.

Ќўза бошқа иссиқсевар экинларга нисбатан узок муддат ўсади, бунга ўсимлик тупидаги меваларнинг бирин-кетин пайдо бўлиши, озик моддалар, сув ва бошқа омиллар билан таъминланиш даражаси бир хилда эмаслиги сабаб бўлади. Ќўзаларнинг барқ уриб ўсиши ва жуда кўплаб мевалаши асосан июль ойининг иккинчи ярмидан то августнинг биринчи ярмигача бўлган муддатга тўғри келади.

Одатда, ғўза юқори агротехника асосида парвариш қилинганда ҳам ўртача толали ғўза тупларида пайдо бўлган меваларнинг ярмидан кўпи тўкилиб кетади. Шунинг олдини олиш мақсадида ғўза қеканка қилинади. Чеканка ғўзаларнинг ривожланишига ва гектарлардаги туп сонига қараб турли муддатларда ўтказилади, бунда ўсимликнинг асосий поя ва ўсув шохи учлари чимтиб ташланади. Шундай қилинганда ғўза бўйига ортиқча ўсиб кетмайди, озик моддалар ва сув ҳосил шохларига баровар тақсимланади. Чеканка қилиш муддати ғўзанинг ҳолатига, кўчат қалинлигига, экилган нав хусусиятларига, иқлим шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Пахтакор районларда тупроқ-иқлим шароит турлича бўлишидан қатъи назар чеканкани июль ойининг ўрталарида бошлаб 5-10 августгача тугаллаш тавсия қилинади.

Фермер хўжалиги пахта майдонларида етиштирилган ҳосилни йиғиб териб олиш ишлари 2013 йил 12 сентябрдан бошланди. Ҳосилни йиғиб олишда асосан хўжаликда ўтказилган абробация натижаларига, фермер хўжалиги пахта экин майдонларидаги ҳосилни етилиш кетма-кетлигига алоҳида эътибор қаратилди. Хўжаликда етиштирилган ҳосил асосан қўлда йиғиб териб олинди, шу асосда ҳисоб-китобларга қараганда, пахта етиштиришга йил бўйи қилинган жами сарф-харажатларнинг 50-55% и пахта терими учун сарфланди.

Йиғиб териб олинган ҳар бир килограмм пахта хом ашёси учун 2013 йил пахта хосилини йиғиштириб олиш юзасидан мамалакатимиз миқёсида белгиланаган нархлар бўйича ҳар 5 кунда ҳисоб-китоб қилиб борилди. Фермер хўжалигида 2013 йил хосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкил этилган ишлар ўз самарсини берди. Натижада 2013 йилда хўжалик бўйича жами 91,0 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26,6 центнердан пахта хосили етиштирилди. Фермер хўжалигида 1 центнер пахтани ишлаб чиқариш таннари 70275 сўмни ташкил этгани ҳолда 1 центнер пахтани давлатга сотиш баҳоси 83969 сўмга тенг бўлиб пахтачиликдаги рентабеллик 19,5 фоиз бўлди. Пахтачиликда рентабелликни бу кўрсаткичи оптимал даражадан анча пастдир. Шунинг учун фермер хўжалиги пахтачилигида рентабелликни камида 30-35 фоизгача кўтариш чора тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Шундагина фермер хўжалиги пахтачилигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун имконият яратилади.

3-Боб. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.

3.1 Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ер, сув ва бошқа ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устивор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;
- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурс тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан, экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;
- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;
- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробар, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;
- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари бош сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

-паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратилиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий мини технологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;

-суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотлар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

-қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатидан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизматсифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Шунингдек қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш дастурида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикаимизнинг чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамай, соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, чорва молларининг маҳсулдордор ва касалликларга чидамли зотларини етишмаслиги, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Республикаимиз ҳукуматининг чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш дастурларида асосий эътибор чорва молларининг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда сервис хизматини

ривожлантириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг учун:

- тармоқда сервис хизмати, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортименти ошириш;
- озуқа экинлари майдонларини кенгайтириш ва оптимал жойлаштириш, лалми ерларда чорва моллари учун озуқа етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда юртимизда чорвачилик тараққий этган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор берилляпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006-2011 йиллар давомида республикаимизга хориждан жами 23286 бош насли қорамол келтирилган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури куйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкый муносабатлар ва хўжалик юритиш шакллариини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.
2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истикболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

5. Қишлоқ хўжалиги хом-ашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

6. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

7. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

❖ давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;

- ❖ пахта ва ғалладан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизмини такомиллаштириш;
- ❖ қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, доридармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини янада кенгайтириш;
- ❖ қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;
- ❖ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;
- ❖ унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириб бориш.

8. Агротехника фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

- ❖ атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;
- ❖ пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;
- ❖ қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;
- ❖ қишлоқ хўжалигида ген муҳандислиги борасида тўпланган жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

9. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан белгиланган модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириш

дастурлари асосида Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан яъни ер ва сув манбааларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда табиий ресурсларга аввало ер ресурслари ҳамда сув ва табиий иқлим шароитлари киради. Улар ичида ер энг асосий ўрин тутиб у алмаштириб бўлмайдиган асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ер ресурслари доимий ва мунтазам иштирок этади. Шунинг учун ернинг мелиоратив ҳолатини доимо яхшилаб бориш эрозияга қарши кураш тадбирларини доимий равишда амалга ошириш бундан тупроқ структурасини яхшилаш чораларини кўриш зарур.

Ҳозирги инқироз шароитида дунё ҳамжамиятини озиқ-овқат хавфсизлиги хавф солаётган бир вақтда ғалла майдонларидан унумли фойдаланиш, бунда такрорий экинлардан сабзавот ва бошқа экинларни етиштириш орқали аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш имкониятига эга бўламиз.

Кейинги йилларда чорвачилик ривожланган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, кўпайтиришга жиддий эътибор берилмоқда .

Гулзор пари фермер хўжалиги Избоскан туманининг адирлик ҳудудларида жойлашганлигини ҳисобга олиб, хўжаликни диверсификация қилиш ,ёрдамчи тармоқ сифатида паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш ҳам хўжаликка фойда келтиради.

Маълумки, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди. 2013йилда “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича жами 227,5 млрд. Сўмлик бюджет маблағлари ажратилиши мўлжалланган бўлиб, ушбу маблағлар 100 фоиз ўзлаштирилди. Натижада мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхшиланган 12387 та фермер

хўжалигининг 352 122 гектар майдонида пахта ҳосилдорлиги 2 ц/га ошди. Биргина ўтган йилги мелиорация тадбирлари натижасида келгусида 260 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Республикамизда оқава сувларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалигида сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш чораларини кўриш лозим. Бунда сув ўлчагичларидан фойдаланган ҳолда самарали фойдаланишни ташкил этиш ва бошқа шу каби чораларни амалга ошириш зарур.

Хўжаликда табиий ресурсларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бунда туманлараро навлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда фермер хўжалигида ишлаб чиқариш шу жумладан сув ресурсларидан фойдаланишни доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Хўжаликдаги экин майдонларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида кўчатларни меъёрида ташкил этиш бунда интенсив технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти каттадир. Мутахассисларнинг фикрича, томчилатиб суғоришнинг пахта экиладиган майдонларда қўлланиши орқали сув сарфи 30-40 фоизга, меҳнат сарфи 50-60 фоизга тежаш ва ҳосилдорликни 90-150 фоизга ошириш мумкин.

Истиқболда Республикамиз бўйича 2013-2017 йиллар давомида 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бунинг учун давлат ҳисобидан имтиёзли кредит беришни йўлга қўйиш, тизим жорий этилган майдонларни 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш кўзда тутилган. Келгусида янгидан ташкил этиладиган боғлар, токзорлар ва сабзовот-полиэкинларини етиштириш учун ер ажратиш,

фақатгина ушбу майдонларда томчилатиб суғориш тизими ҳамда шу каби сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш шarti билан амалга амалга оширилиши белгиланган.

Томчилатиб суғориш тизимини қуриш учун сув насоси , фильтр ховуз-тиндиргич, ўғитловчи мослама, магистрал ва таркатувчи қувурлар, суғориш шланглари, томизгичлар, ёрдамчи ва уловчи қисмлар керак бўлади. Бунга қурилиш ишлари ва лойиҳани тузиш харажатлари киритилади. 2011-2012 йилларда ўтказилган тадқиқотларга асосан, 1 гектар майдонга томчилатибсуғориш тизимини жорий этиш учун ўртача 6-7 млн.сўм атрофида маблағ сарфланади.

Дехқон ва фермерларимиз томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини аллақачон англаётганлиги боис бу усул тобора оммалашиб, нафақат интенсив боғларда, балки пахтачилик, сабзавотчилик ва полизчилик тармоқларида, шунингдек, иссиқхоналарда ҳам кенг жорий этилмоқда. Пировардида, табиий ва моддий ресурслар тежалиши билан бирга, ҳосилдорлик муттасил ошиб бораётир.

Избоскан тумани ҳокимлигининг 2014 йил 16 мартдаги 05/07-13 сонли “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳар йилги давлат дастурини ҳамда ҳудудий манзилли дастурларини шакллантириш ва тасдиқлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳининг” йиғилиши баёнида Избоскан туманининг Избоскан тола МЧЖ. (46 гектар), Абдухалил Йўлдош боғи хўжалиги (6,5 гектар), Худойбердиев Араббой хўжалиги (3,0 гектар) каби бир қатор фермер хўжаликларига технологияларни жорий қилиш белгиланган.

Юқорида қайд этилган тадбирлар амалга оширилса мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар натижаси шуни кўрсатадики иқтисодиётимиз жаҳон молиявий инқирозига

карши чора-тадбирлар кўрилди ва инқироздан чиқиб кета олиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Чора-тадбирлар ичида маҳсулот етиштириш харажатларини камайтириш орқали ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини сақлаб қолиш иқтисодиётни барқарорлаштириш, салбий таъсирини камайтиришга эришишни мақсад қилади.

Фермер хўжаликларни истиқболли ривожлантириш энг аввало маҳсулот таннархини пасайтирган ҳолда юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаб фойда миқдорини оширишдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда биз ўрганган Избоскан тумани Гулзор пари фермер хўжалигини охирги уч йиллик иқтисодий кўрсаткичларини кўриб чиқиб таҳлил қилиш асосида қуйидагича хулосага келдик.

Гулзор пари фермер хўжалигида иш юритишнинг ташкилий иқтисодий асосларини яхши ўзлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалик техникасидан унумли фойдаланиш охирги йилларда контрактация шартномаларини бажараётганлигини, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижаси ўлароқ фермер хўжалигида иқтисодий самарадорлик даражаси таҳлил этилаётган даврда рентабеллик кўрсаткичи 29,4 фоиздан 30,3 фоизга ортган, аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладигон 38-40 фоизли даражадан пастдир.

Фермер хўжаликда пахта етиштиришдаги 2011-2013 йилларда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи 17,0 %дан 19,5%га кўпайган. Дончилик иқтисодий кўрсаткичлар натижасида эса маскур фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда етиштирилган маҳсулот сифати ҳақида кенг маълумотларга эга бўлди ва шу асосида фермер хўжалигида дон маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўпайган.

Фермер хўжалигининг бугдой етиштиришда олган фойдасини жами

ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан фоиз хисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 44,4 %дан 48,0 %га, ёки +3,6 даражага кўпайган.

Фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқариш барча ишлаб чиқариш харажатларини режалаштирилган ҳолда сарфланиши зарур, шунинг учун рентабеллик кўрсаткичи такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун етарли бўлмай уни 50-55 фоизли даражага кўтариш керак.

Сув билан таъминланиши даражасини яхши бўлиб, хўжаликка махсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиш орқали сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Юқоридаги фикр-мулохазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни киритамиз.

1. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш харажатларини оптимал даражада камайтириш хисобига рентабелликни ошириш. Бунда буғдой етиштиришда такрорий экинлардан кенг фойдаланган ҳолда даромадларни кўпайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин.

2. Маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган моддий харажатлар яъни уруғлик, минерал ўғитлар ва ёқилғи мойлаш материалларини улгуржи харид баҳоларига эътибор қаратиш. Бунда кўпроқ маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Етиштирилаётган маҳсулот сифатини оширган ҳолда иложи борича юқори навларга топшириш ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик.

4. Хўжаликда мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тадбиркорлик билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш орқали ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш мумкин;

5. Экинларнинг тезпишар, самарали навларини, уруғчиликни, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини ҳаётга иложи борича кўпроқ тадбиқ этишни таъминлашга қаратилган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда хўжаликда товар маҳсулотига нисбатан уруғлик маҳсулотларини кўпайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин;

6. Харажатларни тежайдиган янги техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилган автоматлаштирилганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартиришга эришиш орқали инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда томчилатиб суғориш тизимларини йўлга қўйиш зарур;

7. Ирригация, мелиорация ва химизация билан боғлиқ бўлган масалаларнинг сифатли ва самарали ҳал бўлишини таъминлашга қаратилган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалигида ернинг мелиоратив ҳолатини доимий яхшилаш чораларини амалга ошириш зарур;

8. Меҳнатни ташкил этишнинг самарали шакллари ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришни амалга ошириш орқали ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бунда экинларни тўлиқ кўчатларни ундириб олиш, суғоришда тунги сменаларни ташкил этиш каби чораларни амалга ошириш зарур.

9. Хўжалик ишлаб чиқаришини кўп тармоқли соҳага айлантириш, бунда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик йўналишларини амалга ошириш керак.

Юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалар хўжаликка жорий этилса мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиб ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон-1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни. Тошкент. Ўзбекистон-1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. Т. 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги нашри) Т. 2004 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг формонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 22.10.2008
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 4478-сонли Фармони. Халқ сўзи. 23.10.2012 й

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 18.01.2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси Халқ сўзи 29.01.2013й.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» Халқ сўзи 28.01.2010 йил.
4. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сўзи 13.02.2009 йил.
5. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Т Ўзбекистон. 2009 й.
6. И.А.Каримов. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.
7. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил
8. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент 1995 йил.
9. И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат-мафкўра» Т.Ўзбекистон 1996 йил
- 10.И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. Ўзбекистон.Тошкент – 2000 й.

11. И.А.Каримов. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» Т.Ўзбекистон 1996 йил.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т. “Маънавият”, 2009 й.

4. Мавзуга оид меъёрий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом. Тошкент. 2005 йил.

5. Асосий адабиётлар.

1. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.1-нашри(дарслик). Тошкент, 2004 йил.
2. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. 2-нашри (дарслик). Тошкент, 2010.
3. А.Исмоилов, О.Мўртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002 йил.
4. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т. 2004 йил.
5. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Т. 2004 йил.
6. Н. Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
7. О' .Р.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.
8. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т. «Иқтисодиёт». 2009 й.
9. М.Н.Махмудов, З.А.Жумаев, С.А.Сатторов. И.А.Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2012 йил.

10. М.Комилов, У. Гофуров, М.Амонбоев И.А.Каримовнинг «Мустақиллик – Барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустахкам мезонидир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2013 йил

6. Кушимча адабиётлар.

1. С.Хушматов ва бошқалар. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни бизнес бошқариш ва фаолият юритишнинг иқтисодий асослари. Тошкент-2010 й.
2. Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил
3. З.Ю.Хошимов «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.

7.Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисобатлар.

1. О.А.Шерматовнинг Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Т. 2006 й.
2. А.Бабаджанов. Қишлоқ хўжалигида инновацион лойиҳаларни жорий қилишнинг ноанъанавий усуллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.
3. Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот Рақобатдошлигига таъсири. Агроилм. 1(21) сон, 2012 йил
4. Аграр соҳада ислохатларни чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари. АҚХИнинг илмий тўплами. Андижон – 2007 йил.
5. Ғ.Дўстмуродов. Аграр соҳада тадбиркорлик самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.

6. Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот Рақобатдошлигига таъсири. Агроилм. 1(21) сон, 2012 йил.
7. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон фермерлари кенгашини ташкил этилиши аграр ислохатларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидир Андижон машинасозлик институтидаги конференция материаллари. 2013 й
8. Ф.Муминова Иқтисодиётни модернизациялаш жароёнида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги нисбатнинг узгариши. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.
9. Т. Ризаев. Сув истемолчилари уюушмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш муаммолари ва ечимлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.
10. Фармонов Ж. Фермер хўжаликларини баркорор ривожлантиришнинг янги имкониятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №4. 2013 йил.
11. Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермерлар кенгашининг 2009-2013 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.
12. Избоскан туманидаги Гулзор пари фермер хўжалигининг 2011 -2013 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.

8. Интернет сайтлари.

- 1.www.tsue.uz.- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
- 2.www.pravo.uz. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.
- 3.www.ziynet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кўтубхона.
- 4.www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.